Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РУЗНОМА 1918 ИЙЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ◆ № 40 (20. 907) 1991 йил 26 февраль, сешанба ◆ Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ◆ Баҳоси 8 тийин.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ:

ЯНГИЛИКЛАР, ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР

● 17 март—СССР референдуми куни

НАЖОТ ҚАЛЪАСИ

Иттифоқнинг ўзи бизларга, халқимизга керакмийўқми? Керак бўлса у қандай бўлиши зарур? Ана шу саволларга Тошкент тўқимачилик комбинати ишчи-хизматчилари ўз муносабатларини билдиришди.

У. СУЛТОНОВА, комбинат партия комитетининг котиби:

— Кўп миллатли давлатимиз учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган бу сиёсий тадбирга корхонамизда жиддий ҳозирлик кўриляпти. Жумладан, референдумда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган барча фуқаролар рўйхати тузилиб, овоз бериш участкалари шайлаб қўйилмоқда. Бизда 12 мингдан зиёд ишчи-хизматчи ишлайди. Улар қарийб 50 га яқин миллат вакилларидан иборат. Шуниси қувончлики, ишчиларимизнинг кўпчилиги қийинчиликларни биргаликда, тотувликда ва интизом билан енгиш тарафдорлари бўлиб чиқишяпти.

Бу ҳақда менинг шахсий фикрим қуйидагича: ҳозир мамлакатдаги аҳвол ўта оғир. Буни корхонамиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Масалан, Иттифоқдаги турли таъминотчи ташкилотлар бизга зарур ускуналарни вақтида етказиб беришни пайсалга солишяпти, шартномавий мажбуриятларни тўлиқ бажаришмаяпти. Бу, албатта, ўзаро дўстлик, ҳамжиҳатлик алоқаларига путур етказмоқда. Шундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, агар биз вазиятни барқарорлаштириш учун тезроқ ҳаракат қилмасак, ҳар биримиз ўзимизга юкланган вазифага масъулият билан ёндашмасак, аравани якка тортмоқчи бўлсак, мамлакатимиз аҳволи ёмонлашса ёмонлашадики, лекин яхшиланмайди. Менимча, ана шу нуқтаи назардан Иттифоқни нафақат сақлаб қолишга, балки мустаҳкамлашга интилишимиз зарур.

Ю. ГОЛОВАЧЕВ, 2-тўқув фабрикаси, мастер ёрдамчиси:

— Очиғини айтганда, мен ва менинг дўстларимнинг бўлажак Иттифоқ ҳақидаги фикрлари бир хил: уни албатта сақлаб қолиш керак. Чунки мамлакат бирлиги, тенг ҳуқуқли республикаларнинг иқтисодий ва маданий алоқалар жиҳатидан минг хил иплар билан боғлиқлиги ҳам шуни тақозо этади.

Бугунги кунда биз ўз саъйи ҳаракатларимизни қанчалик қурбонлар, йўқотишлар эвазига тиклаган умумий хонадонимизни бузиб ташлашга қаратмасдан, балки маъмурий-буйруқбозлик системасининг эски қолдиқларини бартараф этишга сафарбар қилишимиз лозим. Ана шундагина, менимча, миллий можароларга ўрин қолмайди, мамлакат ижтимоий иқтисодий ҳаётида ўнгланиш юз беради, халқ рўшнолик кўради.

Г. ЭРТОЕВА, ип йигирув фабрикаси пилталовчиси:

— Қозоқ миллатига мансубман. Бу ерда ишлаётганимга кўп вақт бўлгани йўқ. Лекин шу қисқа вақт ичида кўп миллат вакиллари билан танишдим, дўстлашдим. Айниқса, ўзбек дугоналарим яқиндан ёрдам беришди. Энг муҳими, бу юртда, бу ерда дўстликнинг, бирликнинг қадрини тушуниб етдим. Мана шу дўстликни, бирликни, тотувликни авайлаб асраш учун ҳам Иттифоқни ёқлаб овоз бераман.

Н. БАҲРИДДИНОВ, ип фабрикаси пишитиш цехи бошлиғи:

— Куни кеча ўз ишини якунлаган жумҳурият халқ депутатларининг навбатдан ташқари тўртинчи сессияси ишини диққат билан кузатдим. Президентимиз И. Каримовнинг бугунги шароитда Ўзбекистон Иттифоқ таркибида сиёсат олиб бориши кераклигини асосли исботлаб бергани менга маъқул келди.

Дарҳақиқат ҳозирги вазиятда муаммоларимизни якка ўзимиз ечишимиз анча қийин. Бинобарин, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан баркамолликка эришиш тўлиқ мустақилликка боғлиқ. Янгиланган федерация таркибида бўлганимиз маъқул. Иккинчи бир мулоҳазам. Агар Иттифоқ сақланиб қоладиган бўлса (бунга ишончим комил) ленинча миллий сиёсат принципларидан келиб чиққан ҳолда—давлатни илгаригидек ортиқча марказлаштирмаслик зарур. Ҳар бир республиканинг мустақиллиги, конституцион ҳуқуқларини тан олган ҳолда иш юритилсагина кутилган натижага эришиш, фақат шундагина бир бутун мустаҳкам давлат бўлиб қолиш мумкин.

Т. БАТКАЛ, 2-тўқув фабрикаси бош муҳандиси:

— Референдум натижаларидан кўп нарсаларни кутяпман. Чунки кўриб турибсиз, мамлакат оғир аҳволга тушиб қолди. Магазин пештахталари бўм-бўш, нархнаво эса ошиб боряпти. Одамларни айтмайсизми? Ҳамма ўз ташвиши билан овора. Фикримча, мана шундай оғир пайтда биргалашиб, аҳиллик билан ҳаракат қилишимиз зарур. Ахир, «Бирлашган ўзар» деб бекорга айтишмаган-ку! Шу боис мен янгиланган федерация учун овоз бераман.

М. САЛОМОВА, ип фабрикаси ишчиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган енгил саноат ходими, меҳнат фахрийси:

— Комбинат ишга тушганидан буён тўқимачилик жамоаси сафидаман. Очиғи, шу корхонада туп қўйиб, палак ёздим. Баҳоли қудрат меҳнатим билан обрў-эътибор қозондим.

Кўпни кўрган инсон сифатида шуни айтишим мумкинки, уйингизда, юртингизда тинчлик, тотувлик бўлмаса, ҳузур-ҳаловатингизни йўқотасиз. Қилган меҳнатингиз, еган ош-нонингиз татимайди. Шунинг учун ҳам ҳозирги мураккаб бир пайтда бир танбир жон бўлиб тинчликни, дўстликни ҳимоя қилишимиз (қиргинбарот жангу-жанжаллар нимага олиб келишини биз оналар яхши биламиз) керак. Зеро, юртимизда дўстлик омонлигу осойишталик бўлса, кўзлаган эзгу ниятларимизга албатта етамиз.

* * *

Мен комбинатда суҳбатлашган бошқа ишчи-хизматчиларнинг ҳам Иттифоқ ҳақидаги фикрлари якдил бўлиб чиқди. Улар биз кўп миллатли мамлакатимиздаги барча республикалар билан бирга янгиланган федерация таркибида бўлишни истаймиз, дея аниқ жавоб беришди. Оддий ишчи Саломат Умарова эса шоирона қилиб, янгиланган Иттифоқ бугун ҳам, истиқболда ҳам мамлакатимизда яшаётган барча халқлар учун нажот қалъаси бўлиб қолади, деган фикрни билдирди. Менимча ишчи ҳақ гапни айтди.

А. БОЛИЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

Шу кунларда жумҳуриятимизнинг қўйчилик хўжаликларида қишловни яхши якунлаш учун қизғин кураш кетмоқда. Шу билан бирга масъулиятли мавсум—қўзилатишга ҳам тайёргарлик кўрилаётир. Хатирчи районидаги «Олтинсой» давлат хўжалиги жамоаси ҳам бу ишдан четда қолмаяпти. Хўжаликнинг тоғу тошлардан иборат яйловларида айни пайтда 40 мингдан зиёд қўй ва қимматбаҳо тивит берадиган ангор зотли эчкилар боқилмоқда. Илғор чўпонлардан Мизом Жунаров бу ишда кўпчиликка ибрат бўлмоқда.

Суратда: пешқадам қўйчивон М. Жунаровни кўриб турибсиз.

Т. НОРҚУЛОВ туширган сурат.

СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

Қўшма Штатлар Президенти Жорж Буш 21 февраль куни эрта тонгда Ироққа қарши қуруқликдаги операцияларни бошлаш тўғрисида буйруқ берганлигини айтди.

Ироқ БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 660-қароригa мувофиқ ўз қўшинларини Қувайтдан олиб чиқиб кетишга рози бўлганлиги бутунлай янгича вазиятни вужудга келтирганлигига, Форс кўрфази минтақасидаги можарони сиёсий бартараф этиш ўзанига буриб юбориш учун йўл очганига қарамай, можарони ҳарбий йўл билан ҳал этиш истаги устун чиқди. Маълумки, 23 февраль куни Москвада мухбирлар билан бўлиб ўтган учрашувда Ироқ ташқи ишлар вазири Тариқ Азиз Ироқ раҳбарияти ўз қўшинларини Қувайтдан 1990 йил 1 августгача турган жойига дарҳол ва сўзсиз олиб чиқиб кетишга қарор қилганлигини айтди.

Ироқни шундай ҳаракат қилишга кўндириш учун кўп иш қилган Совет Иттифоқи халқаро ҳамжамиятни можаро тинч ҳам ўткир, қонли босқичга ўтишининг олдини олиш учун ана шу имкониятдан фойдаланишга чақирди. СССР Президенти 23 февралда бутун кун давомида АҚШ, Англия, Франция, Италия, Германия, Япония, Сурия, Миср, Эрон раҳбарлари билан телефон орқали гаплашди. Бунга қадар СССР Президенти Хавфсизлик Кенгашининг барча доимий аъзолари бўлган мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат бошлиқларига, шунингдек БМТ Бош котибига шахсий мактуб йўллаб, Москвада Т. Азиз билан олиб борилган музокаралар янги даврасининг натижалари тўғрисида уларни хабардор қилди, бу музокаралар Ироқ позициясига сифат жиҳатдан янги ўзгартишлар киритиш билан ниҳоясига етганлиги айтилди. Биз кўраётган чора-тадбирлар тўғрисида Араб давлатларининг ҳукуматлари хабардор қилинди. БМТ ҳузуридаги совет вакили юз берган вазиятни шошилинч тарзда кўриб чиқиш, Ироқ қўшинларини Қувайтдан олиб чиқиб кетишни бошлаш вақтини белгилаш, ўт очишни тўхтатиш ва қўшинларни олиб чиқиб кетиш бошланганлигини тасдиқлаш, назорат қилиш ва кузатиб туриш тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун БМТ Хавфсизлик Кенгашининг фавқулодда мажлисини чақириш йўлида ҳаракат қила бошлади.

Совет Иттифоқи можаронни тинч йўл билан бартараф этиш, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг қарорларида белгилаб қўйилган мақсадларга одамларни яна қурбон қилмай ва моддий вайронагарчиликларсиз эришишнинг ҳақиқий имконияти қўлдан берилганлиги сабабли таассуф билдиради.

Ироқ рози бўлган баёнлар билан бир қанча бошқа давлатларнинг таклифлари ўртасидаги тафовут унча катта эмасди, бу тафовутларни БМТ Хавфсизлик Кенгаши доирасида бир-икки кун давомида келишиб олиш мумкин эди. Хавфсизлик Кенгаши юз берган вазиятни дарҳол кўриб чиқиши керак.

● Наврўз тараддуди

МЕҲНАТ БАҲОРИНИ ҚУТЛАЙДИ ХАЛҚИМ

Уйғоқ далаларда деҳқон излари! Табиат амал олмоқда. Хазонлар остидан майсалар кулянти! Эриб тушар тарновдан сўнгги сумалак! Узоқлардан бошига нурдан тож кийиб келмоқда Наврўз! Наврўз бўлганда ҳам гарду-ғубордан фориғ бўлган Наврўз бу! Улуғ айём келгунча инсон меҳнатидан олам кулади! Дарахтлар гулдаста тутиб, эгнига яшил либос кияди. Саховатли бободеҳқон ерга уруғ ташлайди. Меҳнат, шодлик ва баҳор оҳанглари оламни тутади...

Наврўз эшик қоқмоқда. Табиат уйғонмоқда.

Қиш қаҳратонидан озод бўлган олма, гилос новдаларига яшиллик югурмоқда. Улар ҳадемай шохларда қулф уриб силкинишади. Чумолилар инларидан дастлабки мисқол тупроқни юқорига чиқазиб баҳор келдимикан, деб атрофга мўралайдилар. Кечагина тирикчилик илинжида дон ахтариб изғиган қушлар пат тараб, Наврўзни қутлашмоқда...

Ҳа, Наврўз яқинлашмоқда. Ўзбекистон днёрида юз бераётган янгиликлар, меҳнат ва шодлик, дўстлик-бародарлик, меҳр-мурувват ва садоқат ҳақида ҳикоя қилувчи хабарлар билан танишинг, азиз муштарийлар!

ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ АНИҚ МАРОМДА ИШЛАСИН

25 февраль куни Тошкентда бўлиб ўтган кенгайтирилган кенгашда Ўрта Осиё темир йўлининг ўтган беш йилликдаги иш якунлари, кўп минг кишилик жамоанинг бозор муносабатларига ўтиш шароитида пассажирларни ва юкларни барқарор ташишни таъминлаш муаммолари муҳокама қилинди. Кенгашда Ўрта Осиё магистрали барча бўлинмаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Кенгашда Ўзбекистон ССР Президенти, республика Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. А. Каримов нутқ сўзлади.

Кенгаш қатнашчилари мамлакатнинг барча темирйўлчиларига мурожаатнома қабул қилишди. Улар мамлакат темирйўлчиларини 17 март куни ўтказиладиган референдумда фаол қатнашишга, янгиланаётган Иттифоқни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун ўз овозларини беришга чақирдилар.

(ЎзТАГ).

ВИЛОЯТЛАР КЕНГАШЛАРИНИНГ СЕССИЯЛАРИ

ЖИЗЗАХ, 22 февраль. (ЎзТАГ). Халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашининг сессиясида ижроия комитетининг ҳисоботи муҳокама қилинди, вилоят ижроия комитетининг раиси У. З. Олимов маъруза қилди.

Депутатлар вилоятнинг 1991 йилги бюджетини кўриб чиқдилар.

Ташкилий масалалар ҳам кўрилди, вилоят Кенгаши ва унинг ижроия комитети аппаратининг тузилиши тасдиқланди, вилоят Кенгаши комиссиялари таркибига ўзгаришлар киритилди.

* * *

БУХОРО, (ЎзТАГ). 22 февралда халқ депутатлари Бухоро вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди.

Сессия қатнашчилари вилоятдаги ҳозирги аҳволни ва нарх белгилашнинг баъзи муаммоларини муҳокама қилдилар, 1991 йил бюджетини кўриб чиқдилар.

Сессияда халқ депутатлари вилоят Кенгашининг раиси, Бухоро вилоят партия комитетининг биринчи котиби Д. С. Ёдгоров нутқ сўзлади.

* * *

Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Советининг сессияси вилоят ижроия комитетининг ўтган йилги иши тўғрисидаги ҳисоботни тинглади. Вилоятни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг 1991 йилги режаси ҳамда бюджети тасдиқланди. Вилоят Советининг шу йил биринчи ярмига мўлжалланган иш режаси ҳам тасдиқланди.

Сессияда халқ депутатлари вилоят Советининг раиси, Самарқанд вилоят партия комитетининг биринчи котиби П. М. Абдураҳмонов маъруза қилди.

(ЎзТАГ).

ОММАВИЙ НУСХАДА

«Известия Советов народних депутатов СССР» нашриётида СССРнинг бўлажак референдуми ҳақида чиқарилган китобчага «Мамлакат тақдирини ҳар бир киши ҳал қилади» номи берилган. Унда СССР халқ депутатлари IV Съездининг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи тўғрисидаги масалага доир СССР референдумини ўтказиш ҳамда СССР Олий Кенгашининг ССР Иттифоқини сақлаб қолиш масаласи юзасидан Бутуниттифоқ референдуми ўтказилишини таъминлаш тадбирлари тўғрисидаги қарорлари, СССР Президенти М. С. Горбачевнинг 1991 йил 6 февраль куни телевидение орқали «Янгиланган Иттифоқ — ҳаммамизнинг ишончли келажагимиз» мавзуидаги нутқи эълон қилинган.

Китобчада референдумнинг мазмуни ва вазифалари, уни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби батафсил баён қилинган. Ушбу китобча кенг китобхонлар оммасига ва СССР референдуми комиссияларида иш билан шуғулланаётганларга мўлжалланган.

Китобча кўп нусхада нашр қилинди ва савдога чиқарилди.

(ТАСС).

БИРИНЧИ СУМАЛАК

● АНДИЖОН. «Иттифоқ» маҳалласида яшовчи Опиятхон ая Сотволдиева хонадонида жумҳуриятда биринчи бўлиб сумалак қайнади. Етмишинчи баҳорни кутиб олаётган онахон бу гал ўзи яшаб турган маҳалла хотин-қизларини йиғиб сумалак пиширишнинг сирларини ўргатди.

Сумалакни кавласак
ер кўкарар ёр-ёр,
Юртда меҳр-оқибатдан
эл кўкарар ёр-ёр...

Сумалак кавлаш баҳонасида тонггача халқ қўшиқлари, яллалар айтилиб, сумалак ҳақидаги ривоятлар ҳикоя қилинди.

Маҳалладошлар Наврўз айёми келгунича яна ўндан ортиқ хонадонда сумалак тайёрлашга, улуғ айёмни шоду-ҳуррамлик билан кутиб олишга шайланиб туришибди.

КЎЧАТ ЭККАН ЭЛНИ ЎЙЛАР

● Р. Р. ШРЕДЕР номидаги мевачилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси кўп йилларда бери ўлкамизни боғ-роғларга буркаб, шарбат тўла меваларга серо қилиш йўлида фидоийлик кўрсатиб келмоқда. Бу жиҳатдан уни яшиллик оламининг ҳаками, дейиш тўғри бўлади. Ҳозир бирлашма олимлари олманинг 38, гилоснинг 16, нокнинг 19, ўрикнинг 29, узумнинг эса 30 дан ортиқ навларини кўчат қилиб кўпайтирмоқдалар.

Тажриба участкаларининг соҳибкорлари бу йил 11 миллионга яқин мевали, 17,5 миллиондан ортиқ узум ҳамда 1,5 миллион дона атиргул кўчатларини тайёрлаб, жумҳуриятимиз боғбонларига тақдим этишади. Шаҳар ва қишлоқларда кўчат бозорлари ташкил этилади.

...Ҳассага суяниб неварасининг қўлидан ушлаган нуроний қария мева кўчатларини олди. Уни она ер тупроғига ўтказади. Имоним комил, у шу кезда ўзини эмас, ундан кейин қоладиган неваралаларини ўйлаяпти. Инсоннинг улуғлиги ҳам шунда-да.

Карим НИЗОМОВ,
Пўлат НИШОНОВ,
ЎзТАГ мухбирлари.

ҚЎШМА ПЛЕНУМ

ЖИЗЗАХ, 22 февраль. (ЎзТАГ). Бугун Жиззах вилоят партия комитети ва область партия ташкилоти назорат комиссиясининг қўшма пленуми бўлди.

«Ҳозирги пайт ҳамда вилоят партия ташкилотининг Ўзбекистон Компартияси XXII съезди иккинчи босқичи, СССР халқ депутатлари IV съезди ва КПСС Марказий Комитети 1991 йил январь Пленуми қарорларини бажариш соҳасидаги вазифалари тўғрисида» вилоят партия комитетининг биринчи котиби Э. Т. Турсунов маъруза қилди.

ҲАЙВОНЛАРГА МУКОФОТЛАР

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг 1991 йил 19 февралдаги Фармонига биноан Ўзбекистон ССРда истиқомат қилувчи ўн ва ундан ортиқ бола туғиб тарбиялаган кўп болали 342 онага «Қаҳрамон она» фахрий унвони берилди. Уларга «Қаҳрамон она» ордени топширилади.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ НАЗОРАТ КОМИССИЯСИДА

● 1991 йил 19 февраль куни Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат комиссияси раёсатининг навбатдаги мажлиси бўлди. Хоразм вилоятининг Шовот районидан ва Сурхондарё вилоятининг Ангор районидан келган хатларни кўриб чиқиш натижалари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий назорат комиссияси ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий суди, Прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги ва Адлия вазирлиги ходимлари биргаликда Хоразм вилояти партия, совет ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари иштирокида ўтказган текширишдан маълум бўлишича, КПСС аъзолари, Шовот шаҳар Советининг депутатлари Ж. Болтабоев билан К. Матёқубов ва бошқалар давлат интизоми қўпол бузилгани, дон тайёрлаш режаси бажарилишига қўшиб ёзишлар ҳамда район хўжаликларидаги ўғриликлар тўғрисида асосан тўғри хабар берганлар. Бевосита айбдорлар жиноий жавобгарликка тортилди, уларнинг орасидаги партия аъзолари эса КПСС сафидан чиқарилди.

Бироқ район партия комитети ва район ижроия комитетининг мазкур фактлардан хабардор бўлган собиқ раҳбарларига ўз вақтида партиявий баҳо берилмади. Бунинг устига бир неча йиллардан буён улар бир жойдаги раҳбарлик лавозимидан иккинчи жойдаги раҳбарлик лавозимига қўйиб келинди.

Ҳозирги вақтда районда, айниқса енгил автомобилларни, шу жумладан Ўзбекистон ССР Президентининг Фармонига биноан Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига ва ногиронларига ажратилган енгил автомашиналарни тақсимлаш чоғида ижтимоий адолат бузилаётганини кўрсатувчи фактлар ҳам тасдиқланди.

Аризаларни текшириш натижалари айбдорларнинг жавобгарлигини Ўзбекистон Компартияси Уставига мувофиқ кўриб чиқиш учун Хоразм вилоят партия комитетига юборилди.

Ангор район марказий касалхонасининг бош врачи КПСС аъзоси Э. Воситовнинг вазифасидан асоссиз бўшатилганлиги ҳамда район партия комитети ва вилоят соғлиқни сақлаш бўлими раҳбарларининг нотўғри хат-

(Давоми учинчи бетда).

ПАРТИЯ ФАОЛЛАРИ ЙИҒИЛИШИ

УРГАНЧ. (ЎзТАГ). 22 февралда Хоразм вилоят партияхўжалик фаолларининг йиғилиши ўтказилди. Унда вилоят партия фаолларининг 1990 йил 30 январь йиғилишида қабул қилинган «Партия, совет идоралари ва жамоат ташкилотларининг социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофаза қилинишини кучайтиришга доир вазифалари тўғрисида»ги қарори қандай бажарилаётганлиги муҳокама қилинди.

Йиғилишда вилоят партия комитетининг биринчи котиби, халқ депутатлари вилоят Кенгашининг раиси Р. М. Худойберганова нутқ сўзлади.

Оқланганлар

22 февраль куни ЎзССР Олий суди президиумининг навбатдаги мажлиси бўлди. Ушбу мажлисда Андижон, Бухоро, Жиззах, Тошкент, Фарғона, Хоразм вилоятларида илгари «пахта иши» бўйича судланган 241 кишининг жиноят ишлари кўриб чиқилди. Уларга нисбатан чиқарилган суд қарорлари бекор қилиниб, барча судланганларни поймол қилинган ҳуқуқлари тўлиқ тикланди.

Республикамизда шу кунга қадар «пахта иши» бўйича оқланганлар сони 1600 кишидан ошиб кетди.

Комиссия ўз ишини давом эттирмоқда.

М. АВЕЗОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги Умумий декларацияга, СССР Конституциясига ва Ўзбекистон ССР Конституциясига асосланиб, ушбу Қонунда фуқароларнинг жамоат бирлашмаларини тузиш эркинлиги уларнинг ажралмас ҳуқуқи сифатида мустаҳкамлаб қўйилади.

I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. **Жамоат бирлашмаси тушунчаси**

Ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилма жамоат бирлашмасидир.

Сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари, ветеранлар ва ногиронлар ташкилотлари, илмий-техникавий, маданий-маърифий, физкультура-спорт ва бошқа кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар, юртдошлар уюшмалари, фондлар, ассоциациялар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари жамоат бирлашмалари деб эътироф этилади.

Ушбу Қонун тижорат мақсадларини кўзлайдиган ёки бошқа корхоналар ва ташкилотлар фойда (даромад) ундириб олишига кўмаклашадиган кооператив ташкилотларга ва бошқа ташкилотларга, диний ташкилотларга, ҳудудий жамоат ўзини ўзи бошқариш идораларига (микрорайонлар кенгашлари ва қўмиталарига, маҳалла, уй, кўча, квартал, посёлка, қишлоқ қўмиталари ва бошқа ташкилотларга,) ташаббускор жамоат идоралари (халқ дружиналари, ўртоқлик судлари ва бошқаларга) нисбатан амал қилмайди, уларнинг тузилиши ва фаолияти тартиби бошқа қонунларда белгилаб берилади.

2-модда. **Ўзбекистон ССРнинг жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунлари**

Ўзбекистон ССРнинг жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунлари жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий ҳолати асосларини белгилаб берадиган ушбу Қонундан, Қорақалпоғистон АССРнинг жамоат бирлашмалари тўғрисидаги Қонунидан, Ўзбекистон ССРнинг бошқа қонун ҳужжатларидан иборат бўлади.

3-модда. **Жамоат бирлашмаларини тузишдан кўзда тутилган мақсад**

Жамоат бирлашмалари фуқаролик, сиёсий иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳамда эркинликларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш; фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини, давлат ва жамият ишларини бошқаришда уларнинг иштирок этишини ривожлантириш; касб-кор ва ҳаваскорлик қизиқишларини қондириш; илмий, техникавий ва бадиий ижодкорликни ривожлантириш; аҳолининг сиҳат-саломатлигини сақлаш, хайрия фаолиятида қатнашиш; маданий-маърифий, физкультура-соғломлаштириш ва спорт ишларини ўтказиш; табиатни, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш; ватанпарварлик ва инсонпарварлик тарбияси; республикалараро ва халқаро алоқаларни кенгайтириш, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш; қонунда тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш мақсадида тузилади.

Фаолияти жамиятнинг аҳлоқий негизларини, умумбашарий инсонпарварлик қадриятларини бузишга қаратилган, шунингдек конституцион тузумни ғайриқонуний йўл билан ўзгартириш ёки СССР, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР ҳудудининг бирлигини бузиш, урушни, зўравонликни ва шафқатсизликни, жамиятни парчалашга олиб борадиган ижтимоий, шу жумладан синфий, шунингдек, ирқий, миллий ва диний адоватни авж олдириш, қонун билан тақиқланган бошқа хатти-ҳаракатлар қилиш мақсадини кўзлайдиган жамоат бирлашмаларининг тузилишига йўл қўйилмайди.

Ҳарбийлаштирилган жамоат бирлашмалари ва қуролли тузилмалар, шунингдек диний характерга эга партиялар, уларнинг филиаллари ва бошқа структура бўлаклари ташкил этиш тақиқланади.

Жамоат бирлашмалари ва уларнинг идоралари томонидан қонуний ва демократик йўл билан шакллантирилган ҳокимият ва бошқарув идоралари ҳамда ҳокимият ваколатларига эга бўлганларга нисбатан ғайридемократик тарзда куч ишлатиб тазйиқ ўтказиш тақиқланади. Қонуний равишда амал қилиб турган ҳокимият ва бошқарув идоралари ҳамда мансабдор шахсларга демократик усулда ҳал этиш баҳонаси билан тазйиқ ўтказишга бўлган ҳар қандай , уринишга Қонун билан барҳам берилади.

Аҳолининг саломатлиги ва ахлоқига, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига тажовуз қиладиган жамоат бирлашмаларини тузиш ва уларнинг фаолияти қонунга мувофиқ таъқиб қилинади.

4-модда. **Жамоат бирлашмалари тузилиши ва фаолиятининг қоидалари**

Жамоат бирлашмалари ўз аъзолари (қатнашчилари)нинг ихтиёрийлиги, тенг ҳуқуқлилиги, ўзини ўзи бошқариш, қонунийлик ва ошкоралик асосида тузилади ва ҳаракат қилади.

Барча жамоат бирлашмалари ўз уставларида, бошқа ҳужжатларида кўзда тутилган вазифаларни бажаришда Ўзбекистон ССР Конституцияси, Қорақалпоғистон АССРда эса, шунингдек, Қорақалпоғистон АССР Конституцияси, Ўзбекистон ССРнинг бошқа қонунлари доирасида иш кўрадилар.

Фуқаронинг жамоат бирлашмаси фаолиятида қатнашиши ёки қатнашмаслиги унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини чеклаш ёки унга имтиёзлар бериш учун, шу жумладан давлат ташкилотида лавозимни эгаллаш шарти ёки Қонунда кўзда тутилган мажбуриятларни бажармаслик учун асос бўла олмайди.

Меҳнат тўғрисидаги қонунлар, шунингдек меҳнаткашларнинг ижтимоий таъминоти ва ижтимоий суғурта қилдириш тўғрисидаги қонунлар жамоат бирлашмалари аппарати ходимларига нисбатан жорий этилади.

5-модда. **Давлат ва жамоат бирлашмалари**

Давлат жамоат бирлашмалари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди ҳамда Конституцияга мувофиқ улар ўз уставларидаги вазифаларни бажаришлари учун шарт-шароит яратилишига кафолат беради.

Давлат ёшлар ва болалар ташкилотларига моддий ва маънавий мадад беради, уларга нисбатан имтиёзли солиқ сиёсати ўтказилишини таъминлайди, болалар ташкилотларига мактаб, мактабдан ташқари муассасалар биноларидан, клублардан, маданият саройлари ва уйларидан, спорт иншоотлари ва бошқа иншоотлардан бепул ёки имтиёзли шартлар билан фойдаланиш ҳуқуқини беради.

Қонунда кўзда тутилган ҳоллардан ташқари давлат идоралар ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралашишига, худди шунингдек, жамоат бирлашмаларининг давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди.

Сиёсий партиялар ташкилотлари, бошқа жамоат бирлашмалари фаолияти улар аъзоларининг (қатнашчиларнинг) асосан ишдан бўш вақтида ва мазкур бирлашмалар маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Сиёсий партиялар ва сиёсий мақсадни кўзловчи оммавий жамоат ҳаракатлари фаолиятининг давлат томонидан пул билан таъминланиши тақиқланади, халқ депутатлари сайлови тўғрисидаги қонунларга мувофиқ сайлов кампанияларини, халқ овоз беришини пул билан таъминлаш ҳоллари бундан мустаснодир.

Жамоат бирлашмалари манфаатларига дахлдор масалалар қонунларда кўзда тутилган ҳолларда тегишли жамоат бирлашмалари иштирокида ёки улар билан келишилган ҳолда давлат идоралари ва хўжалик ташкилотлари томонидан ҳал қилинади.

6-модда. **Жумҳурият жамоат бирлашмалари ва бошқа жамоат бирлашмалари**

Уставда белгиланган вазифаларга мувофиқ фаолияти бутун жумҳурият ҳудудида амалга ошириладиган ва Ўзбекистон ССРда ўз ташкилотлари бўлган жамоат бирлашмалари Умумиттифоқ ва жумҳуриятлараро жамоат бирлашмаларининг жумҳурият бўғинларига киради. Башарти, фаолияти ушбу Қонуннинг 3-моддасига зид бўлса, жумҳурият ташқарисида ташкил этилган жамоат бирлашмаларининг филиаллари ва бошқа структура бўлинмаларининг фаолиятига йўл қўйилмайди.

Уставда белгиланган вазифаларга мувофиқ фаолияти бутун жумҳурият ҳудудида амалга ошириладиган жамоат бирлашмалари жумҳурият жамоат бирлашмаларига киради. Бунда жумҳурият сиёсий партияси ёки касаба уюшмасининг камида уч минг аъзоси бўлиши керак.

Вилоят, ноҳия, шаҳар, поселка ва қишлоқ жамоат бирлашмалари маҳаллий жамоат бирлашмаларига киради.

Уставда белгиланган вазифаларга мувофиқ фаолияти бутун вилоят ҳудудида, Тошкент шаҳрида эса бутун шаҳар ҳудудида амалга ошириладиган жамоат бирлашмалари вилоят, Тошкент шаҳар жамоат бирлашмаларига киради.

Уставда белгиланган вазифаларга мувофиқ фаолияти бутун ноҳия (шаҳар) ҳудудида амалга ошириладиган жамоат бирлашмалари ноҳия (шаҳар) жамоат бирлашмаларига киради.

Уставда белгиланган вазифаларга мувофиқ фаолияти поселка, қишлоқ ҳудудида амалга ошириладиган жамоат бирлашмалари поселка, қишлоқ жамоат бирлашмаларига киради.

Зарурат пайдо бўлган ҳолларда вилоятлараро ва ноҳияларараро жамоат ташкилотлари тузилиши мумкин.

7-модда. **Жамоат бирлашмаларининг иттифоқлари**

Жамоат бирлашмалари ихтиёрийлик асосида жамоат бирлашмаларининг иттифоқларига уюшишга ҳақлидирлар.

Жамоат бирлашмаларининг иттифоқлари ушбу Қонунда жамоат бирлашмалари учун белгилаб қўйилган тартибда тузилади, амал қилади ва ўз фаолиятини тўхтатади.

II БОБ. ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА УЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ТЎХТАТИЛИШИ

8-модда. **Жамоат бирлашмаларини тузиш**

Жамоат бирлашмаси камида ўн нафар фуқаронинг ташаббуси билан тузилади.

Жамоат бирлашмасини тузиш ташаббускорлари таъсис съездини (конференциясини) ёки умумий йиғилишини чақирадилар, унда устав (низом, ўзга асосий ҳужжат) қабул қилинади ва раҳбар идоралар тузилади.

9-модда. **Жамоат бирлашмасига аъзолик**

Ўзбекистон ССР фуқаролари жамоат бирлашмаси аъзолари (қатнашчилари) бўладилар. Сиёсий партиялардан ташқари жамоат бирлашмаларининг уставида бошқа жумҳуриятлар фуқароларининг, шунингдек, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг бирлашмага аъзо бўлишлари кўзда тутилиши мумкин.

Ўзбекистон ССРнинг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари жумҳурият сиёсий партияларининг аъзолари бўлишлари мумкин.

Бир сиёсий партиянинг аъзоси айни вақтда бошқа сиёсий партиянинг аъзоси бўла олмайди.

Сиёсий партиялар ва касаба уюшмаларидан ташқари жамоат бирлашмаларининг фаолиятида уларнинг уставларида кўзда тутилган ҳолларда жамоа аъзолари: корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг меҳнат жамоалари, фуқароларнинг бирлашмалари иштирок этишлари мумкин.

10-модда. **Жамоат бирлашмасининг устави**

Жамоат бирлашмасининг уставида қуйидагилар кўзда тутилиши керак:

1) жамоат бирлашмасининг номи, мақсади ва вазифаси;

2) жамоат бирлашмасининг ички тузилиши, унинг ўз фаолиятини амалга оширадиган ҳудуд;

3) жамоат бирлашмаси аъзолигига қабул қилиш шартлари ва тартиби, агар бирлашма рўйхатда қайд этиладиган аъзоларга эга бўлса, бундай ҳолларда ундан чиқиш шартлари ва тартиби;

4) жамоат бирлашмаси аъзолари (қатнашчиларининг)нинг ҳуқуқлари ва бурчлари;

5) жамоат бирлашмаси ҳамда унинг ташкилотлари раҳбар идораларининг ваколатлари ва уларни тузиш тартиби, уларнинг ваколат муддати;

6) жамоат бирлашмаси ҳамда унинг ташкилотларининг маблағлари ва бошқа мол-мулки манбалари;

7) жамоат бирлашмасининг раҳбар идораси қаерда жойлашганлиги;

8) жамоат бирлашмаси уставига ўзгартишлар, қўшимчалар киритиш тартиби;

9) жамоат бирлашмаси фаолиятини тўхтатиш тартиби.

Уставда жамоат бирлашмаси фаолиятига тааллуқли бошқа қоидалар ҳам кўзда тутилиши мумкин.

Жамоат бирлашмасининг устави амалдаги қонунларга зид бўлмаслиги керак.

11-модда. **Жамоат бирлашмалари уставларини рўйхатга олиш**

Ўзбекистон ССРда амал қилувчи Умумиттифоқ жамоат ташкилотлари, халқаро, жумҳуриятлараро жамоат ташкилотлари жумҳурият бўғинларининг, шунингдек жумҳурият, вилоятлараро жамоат бирлашмаларининг уставлари Ўзбекистон ССР Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинади.

Қорақалпоғистон АССРда жамоат бирлашмасининг уставини рўйхатга олиш тартиби Қорақалпоғистон АССР қонунлари билан белгиланади.

Вилоят, ноҳия, шаҳар, поселка, қишлоқ ҳудудида ёки икки ва ундан ортиқ ноҳия, шаҳар, поселка, қишлоқ ҳудудида фаолиятини амалга оширадиган жамоат бирлашмаларининг уставлари халқ депутатлари вилоят, Тошкент шаҳар Советлари ижроия қўмиталарининг адлия бошқармалари томонидан рўйхатга олинади.

Жамоат бирлашмаси уставини рўйхатга олиш учун устав қабул қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида мазкур жамоат бирлашмаси раҳбар идораси аъзолари томонидан имзоланган ва шу аъзолар ҳар бирининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, истиқомат жойи кўрсатилган ариза топширилади. Аризага устав, уставни қабул қилган таъсис съезди (конференцияси) ёки умумий йиғилиш протоколи, ушбу Қонуннинг 6 ва 8-моддалари талаблари бажарилганлигини тасдиқловчи бошқа материаллар илова қилинади.

Уставни рўйхатга олиш ҳақидаги ариза у топширилган кундан бошлаб икки ой муддатда кўриб чиқилади.

Жамоат бирлашмалари уставларига киритилган ўзгаришлар, қўшимчалар ҳам уставларни рўйхатга олиш тартиби ва муддатларига мувофиқ рўйхатга олиниши лозим.

Жамоат бирлашмалари уставларини рўйхатга олувчи идоралар ана шу бирлашмалар рўйхатини тузиб борадилар.

Жамоат бирлашмаси ёки унинг ташкилотлари (идоралари) уларнинг уставлари рўйхатга олинган кундан бошлаб ушбу Қонунда белгилаб қўйилган тартибда ўз фаолиятларини амалга оширадилар ва гражданлик қонунларига мувофиқ ҳуқуқий шахс, деб тан олиниши мумкин.

Умумиттифоқ, халқаро, жумҳуриятлараро (минтақаларараро) жамоат бирлашмаларининг (шу жумладан оммавий ҳаракатларнинг) ва уларнинг бошқа тармоқ бўлинмаларининг филиаллари шунингдек жумҳурият ва маҳаллий жамоат бирлашмалари (шу жумладан оммавий ҳаракатлари) Ўзбекистон ССР Адлия вазирлигида ва унинг жойлардаги идораларида ўз уставларини рўйхатдан ўтказмаган бўлсалар, Ўзбекистон ССР ҳудудида фаолият кўрсатишларига йўл қўйилмайди.

Жамоат бирлашмаси уставини, кейин унга киритилган ўзгаришлар ва қўшимчаларни рўйхатга олиш учун Ўзбекистон ССР Вазирлар Кабинети, Қорақалпоғистон АССРда эса — Қорақалпоғистон АССР Вазирлар Кенгаши томонидан белгиланган тартибда рўйхатга олиш ҳақи ундирилади.

12-модда. **Жамоат бирлашмаси уставини рўйхатга олишни рад этиш**

Агар жамоат бирлашмасининг устави ушбу Қонуннинг 3,4 ёки 10-моддалари қоидаларига зид бўлса, ёхуд илгари худди шу номдаги жамоат бирлашмаси рўйхатга олинган бўлса, жамоат бирлашмаси уставини рўйхатга олишни рад этиш мумкин.

Уставни рўйхатга олиш рад этилган тақдирда бу ҳақда тақдим этилган устав қайси қонуннинг қоидаларига зид эканлиги кўрсатилиб, ариза берувчига ёзма равишда хабар қилинади.

Жамоат бирлашмасининг уставини рўйхатдан ўтказишнинг рад этилиши устидан судга шикоят қилиш мумкин ва бу иш Ўзбекистон ССР гражданлик процессуал қонунида кўзда тутилган тартибда қараб чиқилади.

Умумиттифоқ жамоат бирлашмаси жумҳурият бўғининнинг, жумҳуриятлараро, жумҳурият ва вилоятлараро жамоат бирлашмаларининг уставини рўйхатдан ўтказишнинг рад этилиши устидан — Ўзбекистон ССР Олий Судига, маҳаллий жамоат бирлашмалари уставини рўйхатдан ўтказишнинг рад этилиши устидан эса — тегишли вилоят, Тошкент шаҳар судига шикоят қилиш мумкин.

13-модда. **Жамоат бирлашмаларининг рамзлари**

Жамоат бирлашмалари рамз сифатида ўз тимсолига, байроғига ва вимпелига эга бўлиши мумкин.

Жамоат бирлашмаларининг тимсоллари уставга мувофиқ, уларнинг раҳбар идоралари томонидан тасдиқланади. Жамоат бирлашмаларининг тимсоллари ва вимпеллари ушбу Қонуннинг 3-моддаси иккинчи қисмида кўрсатилган мақсадларни тарғиб этишга хизмат қилмаслиги керак.

Байроқлар ва вимпеллар белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

14-модда. **Жамоат бирлашмалари фаолиятининг тўхтатилиши**

Жамоат бирлашмаларининг фаолияти уларни қайта ташкил этиш (қўшилиш, бирлашиш, ажралиш) ёки тугатиш йўли билан тўхтатилиши мумкин.

Жамоат бирлашмалари уларнинг съездлари (конференциялари) ёки умумий йиғилишлари қарори билан қайтадан ташкил этилади. Жамоат бирлашмаларини қайта ташкил этгандан сўнг янгидан тузилган жамоат бирлашмасининг устави ушбу Қонуннинг 11-моддасида кўзда тутилган тартибда рўйхатга олинади.

Жамоат бирлашмаси съезд (конференция) ёки умумий йиғилиш қарорига мувофиқ ёхуд ушбу Қонуннинг 22-моддасида кўзда тутилган асосларга мувофиқ ва тартибда тугатилади.

Съезд (конференция) ёки умумий йиғилиш қарорига мувофиқ тугатилган жамоат бирлашмасининг мол-мулки унинг уставида кўзда тутилган мақсад йўлида сарфланади.

III БОБ. ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА УЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

15-модда. **Жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари**

Жамоат бирлашмалари қонун олдида тенгдирлар.

Жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари уларнинг уставларида қайд этилади.

Жамоат бирлашмалари уставларда, дастурий, бошқа ҳужжатларда белгиланган мақсадлар ва вазифаларни амалга ошириш учун ўз мақсадлари ва фаолияти тўғрисидаги ахборотни эркин тарқатади, қонунда кўзда тутилган ҳолларда ва тартибда эса:

давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларини тузишда қатнашади;

қонун қабул қилишда ташаббускор бўлади;

давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг қарорларини тайёрлашда иштирок этади;

давлат ва жамоат идораларида ўз аъзолари (қатнашчилари) номидан иш юритади ва уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилади;

ушбу Қонунда ҳамда Ўзбекистон ССРнинг бошқа Қонун ҳужжатларида, Қорақалпоғистон АССРда эса — Қорақалпоғистон АССРнинг ҳам ўзга қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ваколатларни амалга оширади.

16-модда. **Сиёсий партиялар, оммавий жамоат ҳаракатлари, касаба уюшмалари**

Партиялар ўз аъзоларининг сиёсий иродасини ифодалаб, давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларини тузишда иштирок этишни, шунингдек халқ депутатлари Советларига сайланган ўз вакиллари орқали ҳокимият идоралари фаолиятида қатнашишни асосий вазифа қилиб қўядилар.

Партияларнинг дастурий ҳужжатлари бўлади, улар омманинг эътибори учун матбуотда эълон қилинади.

Партиялар халқ депутатлигига номзодлар кўрсатиш, сайловолди ташвиқот ишларини олиб бориш, халқ депутатлари тегишли Советларида ўз тарафдори бўлган депутатлар гуруҳларини тузиш ҳуқуқига эгадирлар.

Оммавий жамоат ҳаракатлари сиёсий ёки ўзга мақсадларни кўзлайдилар ҳамда уларнинг рўйхатга олинган аъзолари бўлмайди.

Ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида лавозимни эгаллаб турган шахслар ўз хизмат фаолиятида қонун талабларига амал қиладилар ва сиёсий партиялар ҳамда сиёсий мақсадларни кўзловчи оммавий жамоат ҳаракатларининг қарорлари билан боғлиқ бўлмайдилар.

Касаба уюшмалари давлат идоралари, хўжалик ташкилотлари, кооператив ва ўзга жамоат бирлашмалари билан ўзаро муносабатларда касаба уюшмалари тўғрисидаги амалдаги қонунларга мувофиқ касаба уюшмаси аъзоларининг ишлаб чиқариш, ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳадаги манфаатларини кўзлаб иш олиб боради ва уларни ҳимоя қилади.

Сиёсий партиялар ва касаба уюшмаларининг фақат якка тартибда рўйхатга олинадиган аъзолари бўлади.

17-модда. **Жамоат бирлашмаларининг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти**

Жамоат бирлашмалари қонунларда белгилаб қўйилган тартибда ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти билан шуғулланадилар ҳамда фақат уставдаги вазифаларни бажариш мақсадида ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлган корхоналар ва хўжалик ҳисобидаги ташкилотларни барпо этадилар.

Жамоат бирлашмаларининг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар ана шу бирлашмалар аъзолари (қатнашчилари) ўртасида қайта тақсимланмайди ва ундан фақат устав вазифаларини бажариш учун фойдаланилади; жамоат бирлашмалари ўз маблағларидан ҳатто ўз уставида кўрсатилмаган бўлса ҳам хайрия мақсадлари йўлида фойдаланишларига йўл қўйилади.

Жамоат бирлашмалари тузадиган корхоналар ва ташкилотлар қонунда белгилаб қўйилган тартибда ва миқдорда бюджетга пул ўтказадилар.

18-модда. **Жамоат бирлашмалари мулки**

Жамоат бирлашмалари, уларнинг ташкилотлари биноларидан, иншоотлар, уй-жой фонди, ускуналар, асбоблар, маданий-маърифий ва соғломлаштириш мақсадлари учун мўлжалланган мулкларга, пул маблағига, акцияларга, бошқа қимматбаҳо қоғозларга ҳамда уларнинг уставларида кўзда тутилган фаолиятни моддий таъминлаш учун зарур бўлган ўзга мол-мулкка эгалик қилишлари мумкин. Бирлашмаларнинг уставларида кўрсатилган мақсадларга мувофиқ уларнинг маблағи ҳисобидан барпо этилган нашриётлар, бошқа корхоналар, ҳайрия муассасалари жамоат бирлашмаларининг мулки бўлиши мумкин.

Ўзбекистон ССРнинг қонун ҳужжатларида, Қорақалпоғистон АССРда эса — Қорақалпоғистон АССРнинг ҳам қонун ҳужжатларида давлат ва жамоат хавфсизлиги мулоҳазалари билан ёки халқаро шартномаларга мувофиқ жамоат бирлашмалари мулки бўла олмайдиган мол-мулк турлари белгилаб қўйилиши мумкин.

Жамоат бирлашмаларининг пул маблағлари, агар уставда кўзда тутилган бўлса, бирлашмага кириш ва аъзолик бадалларини тўлашдан; ихтиёрий равишда ўтказилган пул ва хайриялардан; уставга мувофиқ ўтказилган лекциялар, кўргазмалар, спорт тадбирлари ҳамда бошқа тадбирлар, лотереялар тушумларидан, ишлаб чиқариш, хўжалик ва ноширлик фаолиятидан олинадиган даромадлардан; қонун билан тақиқланмаган бошқа тушумлардан ташкил топади.

Сиёсий партиялар ва сиёсий мақсадларни кўзловчи оммавий жамоат ҳаракатлари диний ташкилотлардан, шунингдек чет давлатлар, ташкилотлар ва ажнабий фуқаролардан молиявий ва ўзга моддий ёрдам олиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Сиёсий партиялар ўз бюджетларини омманинг эътибори учун ҳар йили эълон қиладилар.

Жамоат бирлашмаларининг мулки қонун билан муҳофаза қилинади.

Иттифоқларнинг ва уларга кирувчи бирлашмаларнинг ана шу иттифоқ ва унга қўшилган бирлашмаларга қарашли мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, тасарруф этишга доир ваколатлари жамоат бирлашмалари иттифоқларининг уставларида белгилаб қўйилади.

19-модда. **Жамоат бирлашмаларининг оммавий ахборот воситалари ва ноширлик фаолияти**

Жамоат бирлашмалари оммавий ахборот воситаларини таъсис этишга ҳамда амалдаги матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунларга мувофиқ ноширлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақлидирлар.

IV БОБ. ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ. ҚОНУННИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

20-модда. **Жамоат бирлашмалари фаолиятини назорат қилиш ва кузатиб бориш**

Молия идоралари жамоат бирлашмаларининг манбаларини, улар олган маблағ миқдорини ва солиқлар тўғрисидаги қонунларга мувофиқ солиқ тўланишини назорат қилиб борадилар.

Жамоат бирлашмаларининг қонунларни бажаришини прокуратура идоралари назорат қилиб борадилар.

Жамоат бирлашмаси уставини рўйхатга олган Ўзбекистон ССР Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги идоралари жамоат бирлашмаси фаолиятининг мақсадларига тааллуқли устав қоидаларига риоя этилишини назорат қилади. Рўйхатга олувчи идора жамоат бирлашмасининг раҳбар органидан қабул қилинган қарорларни тақдим этишни талаб қилишга, жамоат бирлашмалари ўтказадиган тадбирларда қатнашиш учун ўз вакилларини юборишга, жамоат бирлашмаси уставига риоя қилиш билан боғлиқ масалалар юзасидан жамоат бирлашмаси аъзоларидан ва бошқа фуқаролардан тушунтириш олишга ҳақлидир.

21-модда. **Жавобгарлик асослари**

Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги Қонунни бузиш амалдаги қонунларга мувофиқ жиноий, маъмурий, моддий ёки ўзга жавобгарликка сабаб бўлади.

Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги Қонунни бузганлик учун бу ишда айбдор бўлган давлат ва жамоат идораларининг мансабдор шахслари, шунингдек фуқаролар жавобгар бўладилар.

Жамоат бирлашмаси, шу жумладан ўз уставини рўйхатдан ўтказмаган жамоат бирлашмаси жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунни бузган тақдирда қонунга мувофиқ жавобгар бўлади.

Жамоат бирлашмаси унинг уставида белгилаб қўйилган мақсадлар ва вазифалар доирасидан четга чиқадиган ёки қонунни бузадиган хатти-ҳаракатларни содир этган тақдирда ана шу жамоат бирлашмасининг раҳбар идораси жамоат бирлашмаси уставини рўйхатга олган идора ёки прокурор томонидан ёзма равишда огоҳлантирилиши мумкин.

22-модда. **Жамоат бирлашмаси устав ёки қонун талабларини бузган тақдирда уни тугатиш**

Жамоат бирлашмаси ушбу Қонун 3-моддасининг 2, 3, 4-қисмида кўзда тутилган хатти-ҳаракатларни содир этган тақдирда суд қарорига биноан тугатилиши мумкин.

Жамоат бирлашмаси ушбу Қонуннинг 21-моддаси тўртинчи қисмида кўзда тутилган ҳаракатларни бир йил давомида такроран содир этганлиги учун суд уни тугатиши мумкин.

Суд қарори билан тугатилган жамоат бирлашмасининг мол-мулки қайтариб бермаслик шарти билан давлат мулкига айлантирилиши мумкин.

Умумиттифоқ жамоат бирлашмасининг жумҳурият бўғини, жумҳуриятлараро, жумҳурият ва вилоятлараро жамоат бирлашмалари Ўзбекистон ССР Прокурорининг, Ўзбекистон ССР Адлия вазирлигининг, шунингдек Ўзбекистон ССР қонунлари билан ваколат берилган бошқа идоралар ва мансабдор шахсларнинг тақдимига асосан Ўзбекистон ССР Олий суди чиқарган қарорга мувофиқ тугатилади. Ўзбекистон ССР Олий судининг жамоат бирлашмасини тугатиш тўғрисидаги қарори устидан шикоят қилинмайди.

Маҳаллий жамоат бирлашмалари тегишли вилоят, Тошкент шаҳар судлари томонидан тугатилади. Бунда суднинг қарори устидан Ўзбекистон ССР Олий судига шикоят қилиниши мумкин.

V БОБ. ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРИ. ХАЛҚАРО ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ. ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР

23-модда. **Жамоат бирлашмаларининг халқаро алоқалари**

Жамоат бирлашмалари Ўзбекистон ССР қонунларига ва ўз уставларига мувофиқ халқаро жамоат (ноҳукумат) бирлашмаларига қўшилиши, бевосита халқаро алоқалар ўрнатишлари, тегишли битимлар тузишлари мумкин.

24-модда. **Халқаро жамоат бирлашмалари**

Агар Ўзбекистон ССРда тузилган жамоат бирлашмасининг фаолияти уставга мувофиқ Ўзбекистон ССР ҳудудида ва битта ёки ундан кўпроқ хорижий давлат ҳудудида амал қилса, у халқаро жамоат бирлашмаси деб эътироф этилади.

Башарти чет элда тузилган халқаро жамоат бирлашмаси таркибига жумҳурият жамоат бирлашмаси коллектив аъзо сифатида кирса, жумҳурият жамоат бирлашмасининг устави ҳам ушбу Қонунга мувофиқ рўйхатга олиниши керак.

Ўз фаолиятини хорижий давлат ҳудудида ҳам амалга оширадиган жамоат бирлашмаси зарур ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилган уставини қайта рўйхатдан ўтказиш учун Ўзбекистон ССР Адлия вазирлигига тақдим этади.

Тинчликни мустаҳкамлашни, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришни, инсонпарварлик фаолиятининг ўзга турларини мақсад қилиб қўйган жамоат бирлашмалари қонунда белгиланган имтиёзлардан фойдаланишлари мумкин.

Ушбу Қонуннинг қоидалари хорижий давлатлар жамоат бирлашмаларининг Ўзбекистон ССР ҳудудида тузилган бўлимлари (филиаллари ва бошқа таркибий бўлинмалари) фаолиятига нисбатан қўлланади.

25-модда. **Халқаро шартномалар**

Агар СССР ёки Ўзбекистон ССР халқаро шартномасида ушбу Қонундагидан ўзга қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартномадаги қоидалар қўлланади.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1991 йил 15 февраль.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ «ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИНИ КУЧГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон ССРнинг «Ўзбекистон ССРда жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон ССРнинг «Ўзбекистон ССРда жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуни 1991 йил 1 мартдан кучга киритилсин.

Қонунлар ушбу Қонунга мувофиқлаштирилгунга қадар қонунларнинг жамоат бирлашмаларига оид қисми ушбу Қонунга зид келмаса, қўлланаверади.

2. Белгилаб қўйилсинки, «Ўзбекистон ССРда жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунининг жамоат бирлашмалари уставлари (низомлари, бошқа асосий ҳужжатлари)ни рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги қоидалари ушбу Қонун кучга киритилгунга қадар тузилган жамоат бирлашмаларининг уставларига дахлдордир. Ана шу жамоат бирлашмаларининг уставлари 1992 йил мартигача бўлган муддатда рўйхатга олинадилар; бу ҳолда 11-модда иккинчи қисмининг уставни у қабул қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида рўйхатга олиш ҳақидаги қоидаси қўлланилмайди.

Касаба уюшмаларининг уставларини рўйхатдан ўтказиш ва улар фаолиятини назорат қилиш ҳақида «Ўзбекистон ССРда жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунининг 11, 20 ва 23-моддаларида кўзда тутилган қоидаларни тартибга солиш хусусиятлари касаба уюшмалар тўғрисидаги қонунларда назарда тутилади.

3. Қорақалпоғистон АССР Олий Кенгашига:

Қорақалпоғистон АССР қонунларини «Ўзбекистон ССРда жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунига мослаштириш тавсия этилсин.

4. Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Кабинети:

«Ўзбекистон ССРда Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунига мувофиқ Умумиттифоқ жамоат бирлашмаларининг жумҳурият бўғинларини, шунингдек жумҳуриятлараро, жумҳурият ва ма

• Энг долзарб мавзу •

МИЛЛИЙ ЎЗИНИ ЎЗИ АНГЛАШ ВА МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТ МАДАНИЯТИ

БУГУНГИ кунда миллатлараро муносабатлар ижтимоий ҳаётимизнинг мураккаб соҳасики, у ҳал қилувчи омиллардан бирига айланди. Улар ижтимоий-сиёсий ўзгартишларнинг боришига, иқтисодиётни қайта қуришга, бозор муносабатларига ўтишга, жумҳуриятлар ўртасидаги, жумҳуриятлар билан марказ ўртасидаги муносабатларга бевосита таъсир ўтказмоқда.

Миллатлараро муносабатларнинг кескинлашганлиги кўп жиҳатдан марказлашган унитар давлат шароитида ўн йиллар давомида тўпланиб қолган ўткир миллий муаммолар, зиддиятлар ҳал этилмаганлиги билан боғлиқдир. Айни пайтда минг йиллар давомида шаклланган халқ анъаналарини, урф-одатларини менсимаслик ҳам шунга олиб келди.

Қайта қуриш бу соҳада йиғилиб қолган барча муаммоларни очиқ-ойдин кўрсатиб берди: Хозир бу муаммолар ҳал этилмоқда. Лекин у ҳамма жойда бир хилда боряпти, деб бўлмайди. Табиийки, бу нарса ўз навбатида миллий ўзини ўзи англаш ўсаётган шароитда одамлар онгига, миллатларнинг ўзини ҳис этишига ҳар хил таъсир қилиб, ижтимоий-сиёсий турмушда акс этяпти.

Ўзбек миллатининг ўз-ўзини англай боришининг ўсиши нимада кўринмоқда? У ўз тарихига, маданий меросига қизиқишнинг ошишида, ўз тилининг ижтимоий вазифаларини кенгайтиришда, Ўзбекистоннинг реал мустақиллигини таъминлаш билан боғлиқ сиёсий, иқтисодий ва бошқа муаммоларни ҳал қилишга интилишда кўринмоқда. Бу — қонуний ҳолдир. Ер, унинг фойдали қазилмалари, табиий бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, вужудга келтирилган иқтисодий ва илмий потенциал, Ўзбекистоннинг сиёсий суверенитети ва иқтисодий мустақиллигини моддий жиҳатдан таъминловчи меҳнат натижалари жумҳурият мулки бўлиши керак. Бу ЎзССР Олий Кенгашининг иккинчи сессиясида қабул қилинган Ўзбекистон мустақиллиги ҳақидаги Декларацияда белгиланган қоидалардан келиб чиқмоқда. Биз ўзимизнинг амалий фаолиятимизда, жумладан, Иттифоқ шартномасини кўриб чиқиш ва имзолашда ана шу қоидаларга риоя этишимиз лозим. Бу нарса миллатнинг жипслашиш жараёнига, унинг яхши ҳаётга ишончини мустаҳкамлашга, ижодий имкониятларини ошириш ва рўёбга чиқаришга кўмаклашади.

Бироқ, айрим кишилар орасида мамлакатда, жумҳуриятда аҳвол жуда оғир, шундай бўлгач, мустақиллик, тил тўғрисидаги, бошқа миллий муаммолар ҳақидаги ҳар қандай масалалар вазиятни баттар мураккаблаштиради, деган қарашлар мавжуд. Биз бундай позиция билан асло чиқиша олмаймиз. Миллий ўзини ўзи англашни, миллий муаммоларни инкор этиш фақат миллатлараро муносабатларнигина эмас, балки иқтисодий, ижтимоий соҳалардаги аҳволни ҳам янада чигаллаштириб юбориши мумкин. Миллий тотувлик таъминлангандагина мамлакатни, жумҳуриятни ҳозирги оғир иқтисодий аҳволдан олиб чиқиш, бозорга ўтиш муаммоларини муваффақиятли ҳал этиш, аҳолининг зарур моллар ва маҳсулотларга талаб-эҳтиёжларини қондириш мумкин. Буни ҳамма тушуниб етиши зарур.

Миллий ўзини ўзи англаш — миллатнинг жипслиги ва бирлигини таъминловчи омил, миллатнинг ўзи мавжудлигининг омилидир. Аммо шу ўринда миллий ўзини ўзи англаш азалдан мавжуд бўлган ўзгармас ҳолат эмаслигини ҳисобга олиш даркор. Унинг даражаси, тараққиёти босқичлари миллат шаклланишининг аниқ-равшан тарихий шарт-шароитлари билан узвий боғланган. Миллий ўзини ўзи англашнинг ҳозирги даражаси, юқорида айтилганидек, миллатнинг ички муаммоларига эътибор кучайганлиги, ўз келиб чиқишини чуқурроқ тушуниш ва мушоҳада қилишга, мавжуд ҳуқуқ ва имкониятларини, ўзининг оғир иқтисодий аҳволи сабабларини англаб етишга интилиши ошганлиги билан белгиланади. Бунда у ўзини ҳам мамлакат ичидаги, ҳам ҳорижий давлатлардаги бошқа миллатлар ва халқларнинг ҳуқуқлари, аҳволи, тараққиёт даражаси, турмушига таққослаб мушоҳада этади. У, нима учун жумҳурият ўз бойликларини тасарруф этишда илгари ҳал қилувчи овозга тўла эга бўлмаганлиги, етиштирилган пахтанинг ҳаммаси арзон-гаровга сотилгани, ундан бошқа минтақаларда маҳсулот тайёрланиб, бир неча марта қимматга сотилгани, фойдасини у ердагилар кўрганлиги ҳақида ўйлайди. Газ магистрал қувурлар орқали марказий ноҳияларга оқади-ю, айни пайтда Қашқадарё вилояти қишлоқларининг атиги беш, Сурхондарё вилоятиники 3,2 фоиз газлаштирилганлиги сабаблари тўғрисида ўйга ботарди. Хўш, нима учун жумҳурият хом ашё ўлкаси сифатида шаклланган-у, тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарининг сони жуда кам? Нима учун туб миллатлар вакиллари орасидан саноат ишчилари аҳоли сонига нисбатан жуда ҳам кам? Бундай саволлар кўп. Ўзбекистонда президентлик ҳокимияти таъсис этилгач, халқ хоҳиш-иродаси билан адолатни қарор топтириш, чинакамига мустақилликни таъминлаш йўлида аниқ чора-тадбирлар кўриляпти.

ЎЗБЕК тилига давлат мақоми берилди. «Ўзбекистон ССРнинг Давлат тили тўғрисида»ги Қонунига биноан рус тилида сўзлашувчи аҳоли ўртасида ўзбек тилини тарғиб этишга эътибор бериляпти. Уларнинг кўпчилиги буни табиий жараён сифатида қабул қилди. Шу билан бирга бошқа халқлар вакиллари ҳам ўзимизнинг давлат мустақиллиги ҳақида Декларация қабул қилди. Унда Қорақалпоғистон тузиладиган шартномаларга кўра ваколатларининг бир қисмини ихтиёрий суратда Ўзбекистон ССР ва СССРга беради. Ундан бошқа барча ваколатларини эса ўз ҳудудида тўла-тўкис амалга оширади.

Бошқа бир мисол. Яқинда Ўзбекистон Президент Кенгашида миллий-маданий марказлар ва уларнинг ишини такомиллаштириш тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Маҳаллий Кенгашлар, вазирликлар ва идораларга миллий-маданий марказлар томонидан қўйилаётган муаммоларни ҳал этишда ёрдам бериш ва ишни ҳар бир халқнинг маданиятини, ўзига хослигини сақлаб қолиш ва ривожлантириш миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришнинг муҳим омили деб қараш тавсия этилди. «Наврўз» театри қурилишини тугаллашни жадаллаштириш, ЎзССР Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликларига миллий тилларда ўқитиш дастурини ишлаб чиқиш, Тошкент давлат дорилфунунида уйғур филологияси кафедрасини ташкил этиш вазифаси топширилди. ЎзСССР Давлат матбуот комитетига жумҳуриятимизда яшовчи барча миллат ва элатлар вакилларининг талаб-эҳтиёжларини қондириш учун ўқув ва бадиий адабиётларни нашр этишни ҳамда уларни жумҳурият ташқарисидан келтиришни кучайтириш, маданий марказлар маблағларини кооперациялаш асосида «Миллатлар ҳаёти» ҳафталик рўзномасини чоп этиш имкониятларини қараб чиқиш тавсия қилинди. Рўзнома жумҳурият байналмилал маданият марказининг органи бўлади. Ўзбекистон Давлат телекўрсатув ва радиоэшиттириш комитетига қозоқ, рус, тожик, қирғиз, уйғур ва бошқа тилларда кўрсатувлар ва эшиттиришлар ҳажмини кенгайтиришни таъминлаш, Халқлар дўстлиги бош муҳаррирлигини таъсис этиш юклатилди. Ўзбекистон ССР Маданият вазирлигининг Халқлар дўстлиги музейини жумҳурият байналмилал маданият маркази эҳтиёжлари учун Халқлар дўстлиги уйига айлантириш мақсадга мувофиқ топилди. Шунингдек, миллий ҳунармандчиликни, миллий либослар ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш бўйича вазифалар белгиланди. Рўзномаларнинг муҳаррирларига ўз саҳифаларида халқлар дўстлиги масалаларини кенг ёритиш тавсия этилди. Тенг ҳуқуқлиликни айнан ана шундай тушуниш миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришга, миллий тотувликни қарор топтиришга кўмаклашади, юксак миллатлараро муносабат маданиятини шакллантиришнинг моддий негизи бўлади.

Яна бир масала. Миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш ва ривожлантиришда қўшни жумҳуриятларнинг халқлари билан дўстлик алоқаларини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада муайян тажриба тўпланган. Мисол учун Хоразм вилоятининг Туркманистондаги Тошовуз области билан алоқасини олайлик. Бу ерда оммавий-сиёсий ишларнинг фестиваллар, адабиёт ва санъат кунларини ўтказиш, қишлоқ хўжалигида ўзаро текшириш бригадаларини айирбошлаш, байрамларда қатнашиш, дўстлик боғлари яратиш каби шакларидан баракали фойдаланилмоқда. Ҳозир ҳамма жойда «Наврўз»га қизғин тараддуд кетмоқда. Жумҳуриятимизнинг Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Қозоғистон билан чегарадош ноҳияларида бу умумхалқ байрамини биргаликда ўтказиш кўзда тутиляпти.

Хўш, миллатлараро муносабат маданияти тушунчасининг ўзи нима? Уни ўзига хос миллийликни, байналмилал, умуминсоний манфаатларни ифодаловчи кўплаб индивидлар ҳамкорлиги, деб аташ мумкин. Миллатлараро муносабат маданияти негизида халқларнинг ишонч, тенглилик ва ҳамкорлик принциплари асосидаги ўзаро муносабатлари ётади. Миллатлараро муносабат маданияти даражаси юқори бўлса, миллий омилни ҳисобга олишнигина эмас, балки юқорида таъкидланганидек, жамиятнинг иқтисодий ва маънавий бойликларини такрор ишлаб чиқариш мақсадларида унинг потенциал имкониятларини рўёбга чиқариш тўғрисидаги масалани қўйиш имконияти туғилади. Ҳар бир халқда, миллатда жуда катта ижодий имкониятлар, ижтимоий-ахлоқий ва маънавий тажриба бор. Биз миллий омилдан байналмилал бирлигимизни мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳаётни такомиллаштириш йўлида фойдаланишни ўрганишимиз лозим.

Ҳусусан, Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистонда иқтисодий, ижтимоий, экологик жиҳатдан муштарак муаммолар борки, уларни ҳал этиш учун шу жумҳуриятларнинг куч-ғайратини мувофиқлаштириш ва бирлаштириш мумкин ва керак. 1990 йил апрелида Олмаота шаҳрида ушбу жумҳуриятлар раҳбарларининг учрашувида Ўрта Осиё ва Қозоғистон ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга келишиб олинган эди.

Орол муаммоси ана шундай муаммолардан биридир. Корхоналарнинг алоқасини янада кенгайтириш, қўшма корхоналарни тузиш, Ўрта Осиё — Қозоғистон иқтисодий бозорини шакллантиришни ўйлаб кўрса бўлади. Умумий муаммоларни, кучларни бирлаштириб ҳал этиш шу жумҳуриятлардаги халқларни янада яқинлаштиришга, ўзаро ҳамжиҳатликни ривожлантиришга кўмаклашиши мумкин. Бош устига мазкур жумҳуриятларнинг ҳар бирида шу минтақада яшовчи барча туб миллатлар борки, уларнинг маданияти, турмуши, анъаналари кўп жиҳатдан ўхшаш ва яқин.

Бугунги кунда миллатлараро муносабат маданиятининг ватанпарварлик ва байналмилалчиликнинг энг яхши анъаналарини ривожлантириш, бу билан эса миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришни маънавий-ахлоқий жиҳатдан таъминлаш мумкин. Миллатлараро муносабат маданиятининг етарли даражада бўлмаслиги миллий муносабатларнинг оммавий васвасага айланиб кетишидаги сабабларидан биридирки, бу ўз навбатида миллатлараро негиздаги тартибсизликка олиб келиши мумкин.

МИЛЛИЙ муносабатларни ривожлантиришни етарли равишда ташкилий-сиёсий ва ҳуқуқий жиҳатдан таъминламай туриб, фақат тарғибий-ташвиқий таъсир йўли билан миллатлараро муносабат соҳасидаги юксак маданиятни шакллантириб бўлмаслиги ҳаммага аён. Бунинг учун миллатлараро муносабатларни бошқаришнинг яхлит структураси керак ва бундай структуралар жумҳуриятда вужудга келтириляпти. Ўзбекистон ССР Президенти девонида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппаратида миллатлараро муносабатлар бўлимлари ташкил этилди. Улар Қорақалпоғистон Совет Республикаси Вазирлар Кенгашида, вилоятлар ижроия комитетларида, Тошкент шаҳар ижроия комитетида тузиляпти. Жойларда жамоатчилик структуралари — меҳнат жамоалари, ўқув юртларида, аҳоли истиқомат жойларида Дўстлик кенгашлари шакллана бошланди. Улар турли миллатлар намояндаларидан иборат бўлади. Фақат Сирдарё вилоятининг ўзида ҳозиргача 32 та йирик корхона, муассаса ҳамда 4 та ўқув юртида Дўстлик кенгашлари ташкил этилди, Ноҳиялар, шаҳарлар, вилоятлар даражасида — жамоатчилик асосида миллатлараро муносабатлар ва байналмилал тарбияни такомиллаштириш бўйича ноҳия, шаҳар, вилоят кенгашлари тузилмоқда. Масалан, Жиззах вилоятининг кўплаб миллат вакиллари бирга яшайдиган Мирзачўл, Ғаллаорол, Пахтакор каби ноҳияларида Дўстлик кенгашларини тузиш давом этмоқда. Ҳозир уларнинг умумий сони вилоят бўйича 675 тага етди. Миллатлараро муносабатларнинг аҳволини чуқур таҳлил этиш, миллатлараро муносабатлар кўзгудагидек акс этадиган иқтисодий-ижтимоий, маданий муаммоларни аниқлаш, уларни режа асосида ҳал этишни таъминлаш, яъни мавжуд зиддиятларни бартараф этиш, халқлар ҳамкорлигининг, одамлар онгига ғоявий-сиёсий таъсир ўтказишнинг янги шакл ва усулларини излаш, байналмилал ўзини ўзи англашни, бурчни ҳис этишни, жумҳурият, минтақа ва мамлакат тараққиётининг иқтисодий-ижтимоий вазифаларини бажариш учун масъулиятни шакллантириш давлат ва жамоат структураларининг энг муҳим ишидир.

Халқ депутатлари Кенгашлари раёсатининг қарорига биноан тузилаётган ноҳия, шаҳар ва вилоят кенгашлари таркибига давлат, партия, хўжалик ва ҳуқуқ муҳофаза идоралари раҳбарларини, ижодий зиёлилар, олимлар, маҳалла комитетлари, руҳонийлар вакилларини киритиш мақсадга мувофиқдир. Бу, мавжуд муаммоларни ҳал этишга билимдонлик билан ёндашиш таъминлаш, миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришда, муомала маданиятини шакллантиришда, шовинизм ва миллатчилик кўринишларига қарши курашда мана шу муассасалар ва идоралар хаттиҳаракатларини мувофиқлаштириш имконини беради.

Миллатлараро муносабат маданияти халқнинг умумий маданиятига асосланишини эсда тутайлик. Шу муносабат билан халқнинг умумий маданиятини янада ошириш бўйича биринчи навбатда аниқ мақсадни кўзлаб давлат идоралари даражасида иш олиб бориш муҳимдир. Булар орасида халқ таълими системаси фаолиятини қайта қуришга, маданий меросдан самарали фойдаланишни таъминлашга алоҳида эътибор бериш керак.

Одамларда, айниқса, ёшларда юксак маданиятли миллатлараро муносабатни шакллантиришда биз халқларда неча асрлар давомида қарор топган илғор анъаналардан, урф-одатлардан, характер хусусиятларидан моҳирона фойдаланишимиз зарур. Жумладан, саховат, меҳмондўстлик, ёшларга ғамхўрлик, кексаларни иззатлаш — ўзбек халқи характерининг ҳамма тан олган хусусиятларидир. Таниқли венгер сайёҳи Арминий Вамбери XIX асрда Ўрта Осиёга келганидан сўнг, ўзбекларни ҳалол, очиқ кўнгилли, табиатан содда кишилар, деб таърифлаган эди. «Ўзбек шоирларининг энг буюги, **ҳаммага ва ҳар бир кишига маълум Навоийнинг шуҳрати бутун Туркистонни тутган»** деб ёзганди. Инсонпарварлик ғояларини, меҳр-муҳаббат ва раҳм-шафқатни, халқлар дўстлигини тараннум этган Алишер Навоий, Саъдий, Жомий, Беруний, Фузулий, Лев Толстой каби буюк мутафаккирлар ижодий меросидан фойдаланиш лозим. Шу ғояни амалга ошириш йўлида Тошкент шаҳрининг бир қатор мактабларида Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ижроия комитети, дорилфунунимиз фаоллигида меросимизни, халқимизни дунёга танитган шоирларимиз ижодини ўрганиш учун махсус ижодий тўгараклар тузиш тўғрисида қарор қилинди. Бу соҳада қилаётган ишимизда умуминсоний қадриятларни тарғиб этган дин арбоблари, жумладан, ат-Термизий сингари муҳаддислар асарлари ҳам қўл келиши мумкин. Чунончи, имом ат-Термизий «Энг яхши дўст деб одамларга доимо хайрли ишларни қилиб юрувчи кишига айтилади», «Одамлар орасига ғулу солиш, бир-бирларидан бездириш — гуноҳдир» деб таълим берганди.

Кишиларни тарбиялашда халқ ижодиёти, маънавият, ахлоқ, меҳр-шафқат ҳақидаги ҳикматли гаплар, мақоллар ва маталлар фойда бериши мумкин. Бу ўринда уларни излаб топиб йиққан, қайта ишлаган, алоҳида китобчалар шаклида нашр этган олимлар хизматини алоҳида таъкидлаш жоиздир. «Тафаккур гулшани», «Ақл ақлдан қувват олади», «Ўзбек халқ мақоллари», «Доноларнинг бисотидан», «Денгиздан қатралар», «Одоб олтиндан қиммат» шулар жумласидандир. Буларнинг ҳаммаси буюк маънавий бойликнинг бир қисми. Афсуски, ундан одамларни маънавий тарбиялаш жараёнида, қимматли инсоний фазилатларни тарбиялашда самарали фойдаланиляпти, деб бўлмайди. Одамларни, айниқса, ёшларни маънавий камол топтиришда мавжуд бойликлардан фойдаланишнинг самарали системаси, миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш, миллатлараро муомала соҳасида юксак маданиятни шакллантириш бўйича аниқ мақсадга қаратилган иш керак.

Ш. ЗИЁМОВ,
Ўзбекистон ССР халқ депутати, тарих фанлари доктори, профессор.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ НАЗОРАТ КОМИССИЯСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

ти-ҳаракатлари тўғрисидаги аризаси ва далиллари Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда кўриб чиқилди.

Текшириш Ангор район партия комитети Э. Воситовнинг жавобгарлигини белгилашга расмиятчилик билан ёндашганлигини кўрсатди. Коммунистларнинг йиғилиши олдин қабул қилган қарорга қарамай бошланғич партия ташкилотининг фикри ҳисобга олинмаган, район партия комитети ва район ижроия комитетининг қўшма қарори эса коммунистларга етказилмаган. Вилоят соғлиқни сақлаш бўлими район идораларининг таклифига биноан ишнинг моҳиятини чуқур тушуниб етмай, шошма-шошарлик билан ва бош врачни таклиф этмаган ҳолда уни эгаллаб турган лавозимига мувофиқ эмаслиги учун ишдан бўшатиш тўғрисида қарор қабул қилиб қонунни бузган.

КПСС аъзоси, Марказий район касалхонаси бош врачи Э. Воситов масаласини кўриб чиқиш чоғида Ўзбекистон Компартияси уставида белгилаб қўйилган партия ички турмуши қоидалари жиддий равишда бузилганлиги ҳисобга олиниб, Марказий назорат комиссиясининг маълумотномаси чора кўриш учун Сурхондарё вилоят партия комитетига юборилди. Халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Советининг коммунист раҳбарларига Э. Воситовни вазифасидан бўшатишда қонун талаблари бузилганлигини кўриб чиқиш тавсия этилди.

Марказий назорат комиссияси раёсатининг мажлисида коммунистларнинг Ўзбекистон Компартияси XXII съезди номига юборган бир қанча шикоят аризалари кўриб чиқилди.

1990 йил давомида ва шу йилнинг икки ойида Марказий Назорат комиссиясининг раёсати ва жойлардаги назорат комиссиялари коммунистларнинг КПСС XXVIII съездига ва Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездига юборган 256 та шикоят аризасини ёки тушган аризаларнинг 93 фоизини кўриб чиқди. Бунда 104 киши партия сафларига тикланди, партиявий жазо бериш тўғрисидаги 13 та қарор бекор қилинди. 62 коммунистга нисбатан уларни жавобгарликка тортиш асосли деб ҳисобланиб, аризалари ижобий ҳал қилинмади. Шунингдек 30-40 йилларда ва 50-йилларнинг бошларида қатағон қилинган коммунистларни партиявий жиҳатдан оқлаш тўғрисида 49 та қарор қабул қилинди.

КПСС XXVIII съездининг «КПССнинг бюджети ва мол-мулки тўғрисида»ги қарорига ва КПСС Марказий Комитети ҳамда Марказий назорат комиссиясининг 1991 йилда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси мулки бўлмиш иншоотларга эксперт баҳоси беришни ўтказиш тўғрисидаги топшириғига мувофиқ, Марказий назорат комиссиясининг раёсати республика партия ташкилотининг ушбу масалага доир тадбирлари лойиҳасини ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Марказий назорат комиссияси қўшма комиссиясининг таркибини кўриб чиқди. Узил-кесил қарор Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Котибияти билан Марказий назорат комиссияси раёсатининг қўшма мажлисида қабул қилинади.

Марказий назорат комиссиясининг раёсати КПСС аъзоси, «Главсредазирсовхозстрой» бошқармасининг собиқ бошлиғи Н. П. Ҳамроевнинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини ва мукофотларга ҳуқуқларини тиклаш тўғрисидаги, шунингдек КПСС аъзоси, Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши Раисининг собиқ ўринбосари Б. Р. Раҳимовнинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини тиклаш, ҳукуматнинг бошқа мукофотларини қайтариб бериш тўғрисидаги аризаларини кўриб чиқиш натижаларини муҳокама қилди. Марказий назорат комиссиясининг раёсати Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Марказий назорат комиссиясининг ушбу масалаларни ўрганиб чиққан комиссияларининг хулосаларига қўшилди, Марказий Комитетнинг Н. Р. Ҳамроев ва Б. Р. Раҳимовни мукофотлар ва фахрий унвонлардан маҳрум қилиш тўғрисидаги қарорлари устав талаблари қўпол равишда бузилиб қабул қилинган хато қарорлар сифатида бекор қилиш мумкин деб ҳисоблади, уларни ҳукумат мукофотларига тақдим этиш тўғрисида илгари қабул қилинган қарорлар кучда қолдирилди. Мазкур масалалар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси ва Марказий назорат комиссияси раёсатининг қўшма мажлисида кўриб чиқиш учун тақдим этилди.

Коммунистлар парламент фаолияти шакллари ва усулларини такомиллаштиришнинг долзарб эканлигини, шу мақсадда уларнинг шахсий масъулиятини кучайтириш, Советлардаги партия аъзолари орасида интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш зарурлигини ҳисобга олиб, марказий назорат комиссиясининг раёсати «КПСС аъзолари — Ўзбекистон ССР халқ депутатлари халқ депутатлари Советларида коммунистларнинг иши тўғрисида Ўзбекистон Компартияси устави талабларини бажаришлари ҳақида»ги масалани тайёрлаш учун ишчи гуруҳи тузди.

ДИН МАСАЛАЛАРИ ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ ТУЗИЛДИ

21 февраль куни Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги миллатлараро муносабатлар бўлимида дин масалалари жамоатчилик кенгашининг таъсис мажлиси бўлди.

Унинг таркибига давлат идораларининг вакиллари, турли даражалардаги диний арбоблар, олимлар, ҳуқуқшунослар, жамоатчилик вакиллари кирдилар.

Ўзбекистон ССРда СССР Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги дин ишлари кенгаши вакиллиги муассасаси тугатилиши муносабати билан, янги жамоатчилик кенгаши жумҳурият Президенти девонидаги миллатлараро муносабатлар бўлимининг маслаҳат берувчи ва мутахассислар идорасига айланиши керак.

Жамоатчилик кенгаши ўз фаолиятини «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги СССР қонунига таянган ҳолда олиб боради. У фуқароларнинг динга муносабатларини белгилаш, динга сиғиниш ва ибодат қилишга тўсқинлик қилмаслик, шунингдек, диний жамоалар фаолияти билан боғлиқ ҳолларда юзага келадиган муаммоларни ҳал этишга кўмаклашиш, турли динга мансуб фуқаролар ўртасида ўзаро сабр-қаноат ва ҳурматни қарор топтиришга кўмаклашиш борасида давлат ва диний ташкилотлар учун тавсиялар ишлаб чиқиши керак бўлади.

Вилоят ижроия комитетларининг миллатлараро муносабатлар бўлимлари ҳузурида ҳам дин масалалари билан шуғулланадиган шундай кенгашларни тузишга қарор қилинди.

Дин масалалари жамоатчилик кенгашининг раиси этиб Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ҳ. П. Пўлатов сайланди.

(ЎзТАГ).

БОЛАЛАРНИ САРИҚ КАСАЛЛИГИДАН АСРАЙЛИК

Тиббий ходимларнинг Тошкентда 22 февраль куни бўлиб ўтган республика семинар-кенгашида болаларда юқумли сариқ касаллиги диагностикаси ва уни даволаш муаммолари муҳокама қилинди.

Сўзга чиққан кишилар республикада юқумли сариқ касаллигининг олдини олиш билан шуғулланувчи махсус марказлар ташкил этилаётганлигини, бир марта фойдаланиладиган шприцлар ишлаб чиқарадиган завод қурилаётганлигини таъкидладилар. Инсон саломатлигига таъсир қиладиган ўта заҳарли химикатларни қўлланиш тақиқлаб қўйилди. Мактаб ўқувчиларига таълим ва тарбия беришнинг гигиена шароитларини яхшилаш чоралари ишлаб чиқилмоқда, аҳоли орасида санитария ташвиқоти кучайтирилмоқда.

Шу билан бир қаторда, дейишди кенгаш қатнашчилари Ўзбекистонда бу хавфли касалликка чалиниш даражаси ҳамон юқори, касалланиш жуда секинлик билан камаймоқда. Бир марта ишлатиладиган тиббий асбоблар етишмаяпти, касалликнинг олдини олиш тадбирлари яхши амалга оширилмаяпти, кўпгина районлар сифатли ичимлик сув билан таъминланмаган.

Кенгаш қатнашчилари сариқ касалликларининг олдини олиш ва даволаш, касалланиш даражасини камайтириш юзасидан аниқ тавсияномалар қабул қилдилар.

(ЎзТАГ).

МАКТАБДА УЧРАШУВ

Хушхулқ одам меҳмонга борганда, кўчада, уйда ўзини қандай тутиши, танишлари, ўртоқлари, қариндошлари билан қандай саломлашиши керак? Тошкентдаги 234-мактаб ўқувчилари «Одобнома» дарсида инсон хулқининг ана шу ва бошқа нозик томонларини ўрганишмоқда. «Одобнома» дарси бу ерда биринчи синфдан бошлаб ўқитиладиган мажбурий фан сифатида жорий этилган.

Бу муаллимлар жамоасида кейинги вақтларда анчагина янгиликлар пайдо бўлди. Гимназия синфлари очилди, инглиз тили ва информатика чуқур ўрганилмоқда, ўғил болалар ва қизларни алоҳида ўқитиш юзасидан тажриба ўтказилмоқда. Мактаб яхши моддий базага эга. Уни жиҳозлашга оталиқ ташкилоти—«Семурғ» фирмаси ёрдам бермоқда. Лекин муаммолар ҳам кам эмас, қолаверса бундай муаммолар республиканинг бошқа кўпгина мактаблари учун ҳам хосдир. Булар ўқувчиларни икки сменада ўқитишга мажбур бўлинаётгани, синфларнинг ва муаллимларнинг етишмаслигидир.

Тошкентнинг Собир Раҳимов райони халқ таълими системаси ходимларининг мактабда бўлиб ўтган учрашуви шу муаммоларни ҳал этишга бағишланди. Учрашувда Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Э. Самандаров, Ўзбекистон ССР Президентининг маслаҳатчиси, Б. Назаров, республика халқ таълими вазирлигининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Райондаги мактабларнинг директорлари ва ўқитувчилари билан ўқув жараёнига ўқитишнинг янги шакллари ва усулларини жорий этиш, ўқитувчилар тайёрлаш, хоналар ва лабораторияларни жиҳозлаш муаммолари тўғрисида манфаатдорлик билан суҳбатлашилди. Учрашув қатнашчилари гимназия ва компьютер синфларини, 6 ёшли болаларни ўқитиш учун мўлжалланган жойни кўздан кечирдилар, дарсларга кирдилар.

(ЎзТАГ).

Шу кунларда республикамизнинг кўпгина хўжаликларида ҳосил байрамлари бўлиб ўтмоқда. Унда меҳнаткашлар мавсум бошланишидан олдин маданий ҳордиқ чиқаришмоқда. Яқинда Ўзбекистон радио ва телевидениеси Д. Зокиров номли халқ чолғу асбоблари оркестри хонанда ва созандаси Озода Назарова бошлиқ бир группа санъаткорлар Наманган вилоятидаги Наманган райони Тельман номли жамоа хўжалиги меҳнаткашларининг ҳосил байрамида иштирок этдилар. Суратда: тантанадан лавҳа. Ўнгда О. Назарова, (ўртада) раққоса Нодира Маматхонова ва доирада Абдушукур Азимов.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

• Сондан-сонга

«Ўзбеклар иши», «Пахта иши...». Булар—совет одил судловидаги қора доғлар бўлиб, жумҳуриятимиз, бутун мамлакат маънавий ҳаётига жуда катта зарар етказди. СССР прокуратурасининг Гдлян бошлиқ терговчилар гуруҳи номи билан боғлиқ бу «иш»лар атайин тўқиб чиқарилгани эндиликда кўпчиликка маълум. Хўш, «гдлянчилик» ҳаракатининг манбалари қаерда? Нима сабабдан бу терговчилар бир неча йил давомида бебошлик қилдилар. Уларни кимлар қўллаб-қувватламоқда, нима учун? Бугундан бошлаб эътиборингизга ҳавола этилаётган мақолада ушбу саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинади. У СССР Фанлар академияси ахборотномасининг 1990 йил 8-сонидан кўчириб босилмоқда.

• *Нуқтаи назар*

О. Г. ЧАЙКОВСКАЯ.

НОМУС

Сиғиниш онгининг такрорланувчи жиноятлари ҳақида «бемаврид» ёзилган мақола

Давримиз инсон онгида нимани рўй берса, у кўп жиҳатдан жамият тақдирини белгилаб беришини шак-шубҳасиз исботлади. Ижтимоий турмуш гўёки, энг аввало, моддий базис билан боғланган, деб ишонувчи кишилар учун у кашфиёт бўлди. Мана, энди биз хонавайрон бўлган «базис» қаршисида ҳайрон бўлиб турибмиз. Буни қарангки, у моддий сут ва ёғни ўзларига зарур деб билган, ҳа-ҳа, жуда керак деб билган кишилар томонидан хароб қилинди. Ҳеч ким, масалан, фермер хўжалиги бизни боқишига, қудратли моддий базисни вужудга келтиришига шубҳа қилмайди. Лекин устқурма фермернинг бойиб кетишини ўйласа — ақлдан озади. Бечора бировнинг яхши ҳаёт кечиришини кўтара олмайди. Яна омма онгида умум фаровонлиги йўлида халқ томонидан кимларнидир жазолаш гояси жонлана бошлайди. «Миллионлар хоҳиш-иродаси билан» қисқа чиқарилган адлия-адолат бизни тарк этар экан, бу жамият ҳалокатга юз тутади.

Биз фикр юритмоқчи бўлган ҳодиса дунёга бугун келгани йўқ. Унинг илдизлари — айнан Россияга хос илдизлари жуда узоққа бориб тақалади. Шу билан бирга улардаги кўп нарса бизнинг замонамиздан олинган. Ҳозирги устқурма кўчалар ва майдонларга чиқанлигини, жуда катта оломон узра транспарантлар ва шиорлар чайқалаётганлигини, одамлар: «Жавобгарликка тортилсин!» деб қичқираётган одатга айланганини ҳисобга олсак, ўз ҳуқуқини таниш муаммоси, айниқса, муҳим аҳамият касб этмоқда. Турмуш ғоятда кўп миқдордаги материални ўртага қўймоқда. Мен улар ўрганилаётганлигига, бу ишда шошма-шошарликка, югур-югурга йўл қўйиш мумкин эмаслигига шубҳа қилмайман. Аммо имоним комилки, вазият бутунлай ғайриоддийдир. Уларни зўрлик билан таҳлил этиш, тадқиқ қилиш, ҳозирдаёқ сусткашликка берилмай одамларнинг ўзига тушунтириб бериш лозим. Чунки, улар оломонга бирлашиб, ўзликларини йўқотмоқдалар.

Оммавий телбалик тўлқинига арзон обрў орттиришни олдиндан яхшилаб ҳисоб-китоб қилиб олган кишилар вақтида қўшилишди. Оломончиликда дунёга келган «Жавобгарликка тортилсин!» қабилидаги шиорларни минбарлардан бақириб айтиш — бу ҳаракатнинг моҳият-эътиборини ташкил этади. Бунда шоншуҳратга бурканишни мақсад қилиб олганлар ҳеч нима йўқотмайдилар. Аксинча, режаларини рўёбга чиқарадилар ҳам. Табиийки, бой берилган ақл-идрок билан ниҳоятда усталик негизига қурилган ҳисоб-китоб иттифоқи катта ижтимоий хатарни келтириб чиқаради. «Халқ овози»дан террорни давом эттириш ва қайта тиклаш мақсадида фойдаланишга интилишни ҳушёрлик билан кузатиб бориш талаб этилади.

Ҳозирги давр ижтимоий ҳаракатларининг довулли денгизида **«гдлянчилик»** ҳаракати алоҳида кўзга ташланишини, у кўплаб кишиларни қамраб олганлигини ва буларнинг митинглари жазавада ўтишини таъкидлаш шарт бўлмаса керак. Аммо ушбу ҳаракат негизида жиддий муаммолар борки, улар — ҳуқуқий давлат, қонун ва қонунсизлик муаммосидир. Бу — бизда инсон ҳокимият вакиллари томонидан қилинадиган зўравонликдан нечоғли муҳофаза этилганлиги масаласидир. Мана шуниси — энг муҳимдир.

Дарғазаб оломоннинг бирданига суюкли «қаҳрамон»ига айланган икки терговчи амалда жиноятчиликка қарши курашнинг ғайриқонуний, қонундан ташқари (содда қилиб айтганда қонунсиз) дастурини олға сурди. Жиноятчиликка қарши кураш деганда «аппарат»нинг порахўрлигига қарши кураш тушунилди. Порахўрлик маъмурларнинг энг хавфли жинояти деб эълон қилинди. Оломон жасур терговчиларни ижтимоий орзу-умидлари биратўла рўёбга чиқадигандай зўр шодиёналик билан кутиб олди. Табиийки, одамлар уларни минг чандон алдаганликларини сезишмади.

Энг аввало, пора ҳақида. Ҳозир туб бурилиш даври бўлиб, мамлакат ҳаёти, унинг тақдири ҳақидаги масала кўндаланг қўйилган. Зўравонликнинг, ўткир ижтимоий тенгсизликнинг, давлат мафкураси асосини ташкил этувчи тўхтовсиз ёлғон-яшиқнинг эски аппарати куч-ғайрат билан ва ниҳоятда моҳирона, бутун тажрибасини ишга солиб, мамлакатнинг қаддини тиклаб олишига қарши курашмоқда. У фақат пора олиши билан қўрқинчли эмас. У ислоҳотга қарши курашда айнан ўз ҳокимиятидан мутасил ва шижоат билан фойдаланаётгани туфайли ниҳоятда хавфлидир. Мана шунга қарши қонунга мувофиқ курашиш керак. Т. Х. Гдлян (демак, у билан митингларда ёнма-ён турган арзон обрў қуллари ҳам) ана шундай хавф-хатар тўғрисида лом-мим демайди. У ҳеч қачон ҳокимиятни суиистеъмол қилиш, ҳаддидан ошиш ҳақидаги масалани қўймайди. Унинг ўзи — ҳокимият вакили, унинг ўзи — қонунсизлик ижодкори.

Оломон бўлса буларнинг ҳаммасини, табиийки, сезмайди. Арзон обрў қуллари эса ўзларини сезмасликка оладилар.

«Гдлян ҳодисаси»да кўпгина ғалати нуқталар бор. Мен Гдлян ва унинг фаолияти тўғрисида ўзимга маълум нарсалар (шубҳасиз, ҳужжатлар асосида исботланган)нинг ҳаммаси ҳақида ҳикоя қилишга уриниб кўрганимда шу нуқталарнинг айримларига дуч келдим. Бу терговчининг матбуотдаги дастлабки чиқишлариёқ қонунларни менсимаслиги, юристлар айтиши мумкин бўлмаган гапларни валдираши билан мени ҳайрон қолдирган ва ташвишга солган эди. Кейин эса суд жараёнлари («Чурбанов иши» ва ҳоказо) бўлдики, улар кўпчиликни (юристларни ҳам, юрист бўлмаганларни ҳам) ўз қонунсизлиги ва айблар исботланмаганлиги билан лол қолдирди. Буларнинг ҳаммасини ишонарли тарзда баён этишга ҳаракат қилдим, бироқ мен мурожаат қилган марказий рўзномаларнинг биронтаси уни босмади. Нима учундир Гдлянни танқид қилиш мумкин бўлмай қолди. Аксинча, унинг тийиқсиз мақтанчоқлиги, боз устига ўз-ўзини кўкларга кўтариши оммавий ахборотнинг барча турлари томонидан беҳисоб даражада кўпайтириб чиқарилди. Омма онгига зўр бериб (кимнинг ғайрат-шижоати билан, буниси тушунарсиз) фақат битта йўналишдаги фикр сингдирилди. Шу йўл билан ижтимоий адолат учун курашчи тимсоли яратилди. Бу қаҳрамон бир ўзи аппаратга қарши курашга отланди (бу ҳам ёлғон: Гдлянни биргина СССР Прокуратураси эмас, бошқа аппаратлар ҳам ҳар томонлама қўллаб-қувватлаган). Одамлар ишонишди. Бу, табиий эди. Чунки одамлар порахўрлик, барбод бўлган иқтисодиёт, бўм-бўш дўконлар ва қашшоқлик нима эканлигини яхши биладилар. Улар, қаҳрамонки пайдо бўлибдими, бутун умид ўшандан, деган хулосага келдилар.

Улар порахўрлик ва қашшоқлик нима эканлигини билардилар. Лекин бебошлик ва қонунсизлик нима эканлигини билмасдилар. Мен бунинг учун уларни айблай олмайман. Улар алданганликлари учун айбдор эмаслар. Алдаган кишилар айбдор. Алдашга кўмаклашган кишилар айбдор.

Ҳамма жунбушга келган, ҳаммаёқда ҳис-ҳаяжон авж олган бир пайтда СССР Олий Кенгаши комиссиясининг Гдлян тергов гуруҳи бебошлиги ҳақидаги қарори чиқди. Жанжал-тўполон кўтарилиб, сиёсатчиларгагина тушунарли вазият вужудга келди. Яъни, мазкур шахсга қарши қаратилган ҳар қандай чиқиш ўз-ўзидан бу одам фойдасига иш бера бошлади.

(Давоми бор).

Чайковская Ольга Георгиевна — тарих фанлари номзоди, СССР Ёзувчилар ўюшмаси аъзоси.

ОБ-ҲАВО...

Ўзбекистон ССР об-ҳавони ўрганиш марказидан хабар беришларича, шу ҳафтанинг бошларида жумҳуриятимизда об-ҳаво беқарор бўлиб туради. Ёғингарчилик бўлади. Жойларда ғарбдан эсаётган шамол тезлиги секундига 15—17 метрга етади. Кечаси ва эрталаб туман тушиши мумкин. Қорақалпоғистон, Хоразм ва Бухоро вилоятининг шимолида кечаси 7—12 даража совуқ, кундузи 0—5 даража иссиқ, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида кечаси 2 даража совуқ—3 даража иссиқ, кундузи 6—11 даража иссиқ бўлади. Шундан кейин Ўрта Осиё жумҳуриятларига жануби-ғарбдан иссиқ ҳаво оқими кириб келади. Ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 0—5, кундузи 14—19, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида кечаси 9 даражагача, кундузи 18—23, Қорақалпоғистон, Хоразм вилоятларида кечаси 2 даража совуқ билан 3 даражагача иссиқ бўлади. Ҳафтанинг охирига бориб, Ўзбекистонда яна ёғингарчилик бўлиши, ҳароратнинг пасайиши кутилади. Ҳафталик ҳарорат меъёрида, айрим жойларда эса меъёридан юқори бўлади.

...САЛОМАТЛИК

Семашко номидаги саломатликни тиклаш ва тиббий даволаш илмий-тадқиқот институти мутахассисларининг фикрига кўра бундай об-ҳаво шароитида томир, юрак, мия ва бўғинлар ҳамда ўпка хасталигига чалинган беморлар ўзларини нохуш сезадилар. Уларни даволаш мақсадида шифокорларнинг тавсиясига биноан қон босимини маромлаштирадиган дори-дармонларни қабул қилиш маслаҳат берилади. Таянч-ҳаракат аъзолари хасталанган беморлар қаттиқ совушдан ҳоли бўлишлари ва оғриқ қолдирадиган дори-дармонларни қабул қилишлари мумкин. Барча беморлар «Антивозоспастин» препаратини қабул қилишлари мумкин.

• *Ички ишлар вазирлиги хабарлари*

ҚОРАЎЗАКЛИК «СЕҲРГАР»ЛАР

«Қораўзак» давлат хўжалигининг ғалла омборидан 10 тонна гуруч ўғирланиши Қорақалпоғистон Ички ишлар вазирлигининг навбатдаги ахборотида «биринчи даражали иш» бўлиб қолди. 200 қоп гуручни ҳеч кимга билдирмай ўғирлаб кетишнинг сира иложи йўқ, бунинг учун камида битта КамАЗ керак бўлади. Республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари жуда яқин вақт ичида қораўзаклик «сеҳргар»ларнинг кимлигини аниқлашларини таъкидлашди — ҳайриятки, чигал ишнинг учи топилган.

ПАРДАГА ИШҚИБОЗ ЎҒРИЛАР

Гулистон наслчилик-паррандачилик репродукторининг поселкасида жойлашган 12-ўрта мактаб биносида йил бошида илк бор ўғрилик юз берган — чет элда тайёрланган пишиқ яхши газламадан тикилган парда ўғирлаб кетилган эди. Бу парда анчагина қиммат турарди, лекин афтидан бу воқеадан мактаб раҳбарлари хулоса чиқаришмади. Ҳар қалай ўғрилар яна бу ерга келиб янги пардаларни ҳам бемалол олиб кетишди.

Лекин иш шу билан ҳам тугамади. Номаълум кимсалар қўриқлаш тўғрисида ҳеч ким ўйламаётганига ишонч ҳосил қилиб, мактабга учинчи бор «ташриф» буюрдилар ва ўғирланган пардалар нархини деярли икки минг сўмга етказдилар.

Милиция ходимлари яқинда Бахтдаги чайқов бозорида ўғирланган пардани сотаётган аёлни қўлга олдилар. Бу ҳеч қаерда ишламайдиган, муайян яшаш жойи йўқ кимса экан. Тергов олиб борилмоқда. Лекин ушбу ҳодиса мактабга тегишли мулкни қўриқлашни ҳануз йўлга қўёлмаган мактаб раҳбарлари учун сабоқ бўлармикан?

(ЎзТАГ мухбирлари).

СПОРТ

ЕНГИЛ АТЛЕТИКА:

ЮКСАК НАТИЖА

Парижда ўтказилган халқаро мусобақада совет спортчилари маҳорат кўрсатишди. Тошкентлик Мария Шмонина командалари А. Юрченко, А. Жигалова, М. Пономаревалар билан 4х400 метрга эстафетали югуришни ўрнига қўйди. Улар 3 минут 28, 80 секундли натижа кўрсатишди. Бу билан енгил атлетикачиларимиз жаҳон рекордини 5,58 секундга янгилашди.

ШАШКА:

КУЧЛИЛАР САФИДА

Тошкентда халқаро шашка бўйича қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати ўтказилмоқда. Икки тур ўйинларидан кейин чирчиқлик Мунис Умарова билан Гавҳар Норбековалар иккитадан очко билан олдинда боришмоқда. Самарқандлик Ирина Сулаймонова ҳисобида бир яримта очко бор.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ПРЕЗИДИУМИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси «БИОЛОГ» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори бўш лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

фан доктори илмий даражасига эга бўлган 60 ёшгача етакчи олимлар танловда иштирок этишлари мумкин.

Танлов қатнашчилари қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар: кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, 4 та фотосурат, таржимаи хол, олий ўқув юртини тугатганлиги ҳамда илмий даража, илмий унвон берилганлиги тўғрисидаги дипломларнинг нусхалари, меҳнат жамоаси, ёхуд бошқа орган, ташкилот томонидан номзодликка тавсия этилганлиги тўғрисидаги йиғин баёни.

Номзодлика тавсия этиш ҳуқуқи Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Президиуми ва Биология фанлари бўлими, академик ва бошқа илмий муассасалар, олий ўқув юртларининг илмий кенгашлари, жамиятлар, ассоциацияларга ҳавола этилади.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади: 700000, Тошкент шаҳри, ГСП, Гоголь кўчаси, 70-уй, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Президиуми, Биология фанлари бўлими. Телефонлар: 33-59-86, 33-32-83.

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ МУҲАНДИСЛАРИ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

КАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР ТАРКИБИДАГИ бўш лавозимларга

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

мудирлар: қишлоқ хўжалиги машинасозлиги технологияси, чет тиллар, механизмлар ва машина деталлари назарияси, қурилиш механикаси;

доцентлар: қишлоқ хўжалиги мелиорацияси ва гидромелиорация ситемаларидан фойдаланиш, чет эллик ўқувчилар учун тайёрлов куллиётида умуммиллий фанлар (кимё), тракторлар ва автомобиллар, иссиқлик техникаси, рус тили;

катта ўқитувчилар: электротехниканинг назарий асослари жисмоний тарбия;

ўқитувчилар: чет эллик ўқувчилар учун тайёрлов-куллиётида рус тили (2);

ассистентлар: меҳнат муҳофазаси, фуқаро мудофааси, сиёсий тарих (3), геодезия, фалсафа, гидротехника иншоотлари, қишлоқ хўжалиги машиналари.

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзов кўчаси, 39-уй, кадрлар бўлими.

ЖУМҲУРИЯТ ЯЙЛОВ-МЕЛИОРАЦИЯ-ҚУРИЛИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ХЎЖАЛИКЛАРАРО ЭЛЕКТР МОНТАЖ ИХТИСОСЛАШГАН ИШГА ТУШИРИШ СОЗЛАШ БОШҚАРМАСИГА

Ишлаб чиқариш техника бўлимининг катта муҳандиси, ишлаб чиқаришни тайёрлаш гуруҳига электрчи-муҳандислар, механик, металлга ишлов берувчи чилангарлар, участка бошлиқлари (Фарғона водийси, Бухоро, Термиз, Қарши, Урганчда истиқомат қилувчилар); иш бошқарувчилар, электр узатиш симларини монтаж қилувчи монтажчилар, кучланиш ускуналарининг монтажчилари, созловчи-муҳандислар, автомашина ҳайдовчилари, автокран ҳайдовчилари; чуқур қазийдиган қурилмали машиналарнинг ҳайдовчилари, электр пайвандчилар.

КЕРАК

Белгили муддат хизмат қилганлиги учун мукофот, 13-ойлик маош, иншоотларнинг ишга туширилганлиги учун квартал мукофотлари берилади.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 8-297-502, қабулхона; 8-297-53-230, кадрлар бўлими.

Манзилимиз: Тошкент вилояти Калинин ноҳия маркази, Високовольт кўчаси, 1 «а» уй.

Театр

НАВОИ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ҚАТТА ТЕАТРИДА — 26/II **Уйқудаги гўзал**, 27/II да **Спартак**, 28/II да **Отелло**.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 26/II да **Жар**, 27/II да **Хотинлар «гап»идан чиққан ҳангома**, 28/II да **Мирзо Улуғбек**.

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 27/II да **Куёвлар конкурси**, 28/II да **Куёвлар конкурси**.

АБРОР ҲИДОЯТОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ДРАМА ТЕАТРИДА — 26/II да **Майсаранинг иши**, 27/II да **Лаҳма куёв**, 28/II да **Отасининг қизи**.

ВАСҲНИЛ Ўрта Осиё бўлимининг «Ипак» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарияти, партия, касаба уюшмаси ва жамоаси илмий ишлар бўйича директор ўринбосари, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Ш. Абдуқодировга акаси

Абдукарим АБДУҚОДИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент халқ хўжалиги олий билимгоҳи ректорати, жамоат ташкилотлари ва сиёсий иқтисод кафедраси жамоаси шу кафедра катта ўқитувчиси Ҳ. А. Ҳакимовга онаси

Ойсахон ҲАКИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат дорилфунунининг юридик куллиёти жамоаси жиноят жараёни кафедраси доценти Т. Абдувоҳидовга отаси

Абдувоҳид ШОДИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат дорилфунунини маъмурияти, ўзбек филологияси куллиёти жамоаси куллиёт доценти, филология фанлари номзоди

Фотима ҲУСАИНОВАнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб марҳумининг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари олий билимгоҳи ректорати, партия ва жамоат ташкилотлари ҳамда ижтимоий фанлар куллиёти ва фалсафа кафедраси жамоалари фалсафа кафедрасининг мудири, доцент А. Х. Ботировга акаси

Қодирхўжа БОТИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Қомуслар Бош таҳририяти жамоаси илмий-методик ишлар ва луғатлар таҳририятининг илмий муҳаррири Б. Абдумаликовага отаси

Абдураҳим АБДУМАЛИКОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ. Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32-57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.
ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-53, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-09.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.

Буюртма № 4871.

№ 40. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида. А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12